


МЕН БАРЧА ЎФИЛ-ҚИЗЛАРИМИЗНИ, СПОРТЧИ ЁШЛАРИМИЗНИ ХАЛҚИМИЗНИНГ
УМИД ЮЛДУЗЛАРИ, ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ТАЯНЧИ, ДЕБ БИЛАМАН.

Ислом КАРИМОВ

Kuch — bilim va tafakkurda



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 24 апрель, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 31 (7434)

БУГУН ФАРҒОНАДА "УМИД НИҲОЛЛАРИ" МУСОБАҚАЛАРИ ОЧИЛАДИ

МАШЪАЛА ҚАЛБЛАРГА КЎЧДИ

кувончли лаҳзалар шукронаси бўлса, болалар-ёшлар юзидан хайрат ва қувончни уқиш мумкин эди.

Ниҳоят, Ўзбекистон мадҳияси янгради ва машъала учкун олди.

юз метрда ўқувчи-спортчилар машъалани бир-бирларига тутқазиб Паркент кўчалари бўйлаб олиб ўта бошладилар. Аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳарчаларда машъала пиёда, кенг далалардан иборат бўлган худудларда автоуловда олиб ўтилди.

Машъалани қишлоқлардан тантанали олиб ўтишда ўқувчиларга "Ватанпарвар" ташкилотининг махсус жиҳозланган, давлатимиз байроғи ҳилпираб турган, барчаси оқ рангдаги "Нексия", "Тико", "Дамас" автомашиналари ҳамроҳлик қилдилар. Машъалани ёндириш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Халқ таълими вазири Р.Жўраев, Олимпия қўмитаси раиси С.Рўзиев ҳамда кўпгина масъул кишилар иштирок этишди.



Уни умумтаълим мактабида таълим олиш билан бирга республикаимизнинг кўзга кўринган спортчилари қаторидан ўрин олган йигит-қизлар "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига тутқазилди.

Шу тариқа машъала Фарғонага қараб йўл олди. Ҳар юз-икки

та вагондан иборат поездда 600 нафардан ортиқ ўқувчилар катта иштиёқ ва кутаринки кайфият билан йулга тушдилар. Спортчиларнинг йули оқ, уларга зафар ёр булсин.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири
Суратларда: Машъаланинг ёқилиши ва спортчиларнинг Фарғонага жўнаб кетиши олдидан.
Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Кеча "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг машъаласи Паркент туманидаги "Физика-қуёш" илмий ишлаб чиқариш марказида ёқилди. Байрамона безатилган марказ ҳовлиси юзлаб томошабинлар ҳамда барча вилоятларнинг энг яхши кўрсаткичга эга бўлган спортчилари билан гавжум эди.

"Физика-қуёш" илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳовлисида беғуборлик ва поклик рамзи бўлган оппоқ кийимларда ҳар бир вилоятдан келган вакиллар саф тортишган, давлатимиз ва мусобақанинг рамзий байроқларини кўпчилик гуруҳ ва ифтихор билан кўтариб олишганди. Қарияларнинг юзида ушбу

Уни умумтаълим мактабида таълим олиш билан бирга республикаимизнинг кўзга кўринган спортчилари қаторидан ўрин олган йигит-қизлар "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари қатнашчиларига тутқазилди.

Шу тариқа машъала Фарғонага қараб йўл олди. Ҳар юз-икки

ҲАММАСИ КЎНГИЛДАГИДЕК

Биз душанба куни поездда йулга чиққан Сурхондарё, Қашқадарё вилояти вакиллари кайфиятларини билиш мақсадида кеча Тошкент темир йул шоҳбекатида булдик. Бу вақтда Тошкент шаҳри вакиллари поездга жойлашиш таралдуида эдилар.



Дуч келган вагонга чиқиб суриштирсак, унда Қашқадарё вилояти вакиллари жойлашган экан. Икки усмирни суҳбатга тортдик. Ака-Ука Сиёвуш ва Самандар Қосимовлар стол тенниси бўйича вилоят шарафини ҳимоя қилиш учун Фарғонага отланибди. Китоб туманидаги 74-мактабнинг 9-8-синфларида таҳсил оладиган бу ўқувчиларнинг ҳамроҳлари Гулсара Ниёзова (9-синф) ҳамда Диловар Зулфинова (10-синф)лар ҳам спортнинг стол тенниси тури бўйича қизлар уртасида бўлиб утадиган мусобақаларда Қашқадарё вилояти шарафини ҳимоя қилар эканлар.

—Биз аввал мактабда, сунгра туманлараро бўлиб утган мусобақаларда энг яхши натижани қулга кирит-

дик, — дейишди ўқувчилар.
—Мен эса вилоятнинг "биринчи ракеткачиси" номига эга булдим. Финал мусобақасида Қарши шаҳри вакили билан булган учрашувда қийинчилик билан ғалаба қозондим. Болалигимдан стол теннисига қизиққанлигим боис, ушбу спорт тури билан жиддий шугулланяпман. Бир неча марта туман, вилоят миқёсида утган мусобақаларда қатнашганман. Ниятим Фарғонада вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилиш ҳамда голиб булиш, деди Самандар Қосимов.

Фарғонага 20



ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

КЕЛАЖАККА
ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ
ТИЗИМ
3-бет

МАКТАБ
ЎЙИНГОҲЛАРИДАН
КАТТА СПОРТГА
4-бет

ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ
5-бет

МАКТАБ ҚУРДИРГАН
ЎҚИТУВЧИ
6-бет

АКАДЕМИЯ —
ИЖОДКОРЛИК
МАКТАБИ
6-бет

ЭЪТИРОФ
7-бет

МУСОБАҚАЛАР
ИҚТИДОРЛАРИНИ
КАШФ ЭТАДИ
9-бет

ПУТҚ ЎСТИРИШДА
ТЕЗ АЙТИШИНИНГ
ЎРНИ
12-бет

МАРҒИЛОН
ПРОБАСИДАГИ "ОСКАР"
ОЛТИНИ
13-бет

"УМИД НИҲОЛЛАРИ"
КРОССВОРДИ
16-бет

"Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг давлат аттестацияси тўғрисида"ги Низомнинг 12-бандида: "Аттестация комиссияси таркибига малакали педагоглар, олимлар, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мутахассислари қиради" деб қайд этилган. Номлари келтирилган барча мутахассислар Давлат аттестация комиссияси таркибига юқори даражадаги "жамоатчи экспертлар" сифатида фаолият кўрсатадилар.

лари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятидан воқиф бўлишлари, ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган назорат ишларини оптимал равишда ташкил қилиш малакаларига эга бўлишлари талаб этилади. Аттестация жараёнида жамоатчи экспертлар ўз йўналишлари ва фани бўйича педагогик ҳужжатларни таҳлил этиб, комиссия ҳайъатига экспертиза хулосасини тайёрлаб беришади.

Масалан, мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари фаолияти самарадорли-

Ta'kid

таълим бошқарув органларидан ташқари ҳолатда, алоҳида назорат тизимини ташкил этади. Таълим муассасаси фаолияти фақатгина давлат манфаатларини кўзлаган жамоатчи экспертлар томонидан ҳолисона баҳоланади. Жамоатчи экспертлар томонидан таълим муассасаси фаолиятининг муайян йўналиши мукамал, атрофлича ўрганилади. Аттестация текширувларида жамоатчи экспертлар иштироки-назо-

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Мамлакатимизнинг барча илм масканларида жисмонан бақувват, маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада ўқитувчиларнинг меҳнати ҳар қанча мақтовга лойиқ. Кейинги йилларда бу соҳа ходимлари ўртасида турли мусобақалар, кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Ана шулардан бири аънавий "Йил ўқитувчиси" танловидир.

Чилонзор туман халқ таълими бўлимида "Йил ўқитувчиси — 2002" кўрик-танловнинг иккинчи босқичи ўтказилди. Унда туман саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган, саккиз нафар педагог-ўқитувчи ўзаро беллашди. Улар ўз касбининг устаси, фидоий устозлар эканини ҳамда ҳаётий билим тажрибаларини ёш авлодга қандай ўргатаётганини саҳна кўринишлари орқали томошабинларга намойиш этди. Танловда 281- мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ниғора Азимова тўртта шартни аъло даражада бажариб, биринчи ўринни эгаллади ва шаҳар босқичига йўллангани қўлга киритди.

З.ЭШОНҚУЛОВ

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ

Ҳомийлик замирида ўзига хос беминнат ёрдам этади. Мақсад маълум бир ишни ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш орқали кўзланган натижага эришиш демакдир. Ҳомийлик мажбурий эмас, шунинг учун ташкилотлар ҳомий бўлишга интиладилар.

Пахтачи туманидаги Аллаёров номидаги жамоа хўжалиги маъмурияти Фотима Тўхтапўлатова раҳбарлигида аълочи ўқувчиларни ҳамда илмга иштиёқманд ёшларни рағбатлантиришдек савобли ишга қўл урди. Ҳомийлик остидаги 20-умумий таълим мактабини битириб, олий ўқув юртига ўқишга кирганлар бу ерда ҳам ҳомийлар ҳимматидан бенаиб қолмадилар. Собиқ ўқувчилар 50 минг сўмдан, шу билан бирга фанлар бўйича олимпиада ғолиблари ҳам 5 минг сўмдан мукофот пуллари олдилар.

Н.ШЕРБОЕВА

ЖАМОАТЧИ ЭКСПЕРТ ҚАНДАЙ ИШЛАШИ КЕРАК?

Низомга мувофиқ ҳолда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятлар қошида "Таълим муассасалари давлат аттестация комиссиялари" ташкил этилган. Таълим турлари бўйича шакллантирилган жамоатчи экспертлар сони бугунги кунда 7000 дан ортиди.

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги давлат аттестация комиссияси жамоатчи экспертлар: Ф.Шарипова, М.Фуломова ва Н.Эргашевалар (258, 105, 271-сон мактаблар) иши билан ақиндан танишиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

Асосий иш жойларидан ажралмаган ҳолда жамоатчи экспертлар умумий ўрта мактаб давлат аттестациясида самарали иштирок этиб, комиссия аъзолари ўртасидаги вазифалар тақсими бўйича белгиланган иш қўламини ўз вақтида сифатли бажариб топширишлари керак. Малакали педагоглардан ўз фани бўйича чуқур билимга эга бўлиш-

гани баҳолашда М.Фуломова унинг шахсий иш режаларидан бошлаб, дарс жадвалларининг тақсимланиши белгиланган ўқув режаларига мувофиқлиги, таълим жараёни мониторинги қай даражада ташкил этилганлиги, Давлат таълим стандартларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши ва сифати, ўтказилган назорат ишларининг натижаларига эришилганлиги таҳлил этган.

Муайян фан бўйича ўқувчиларнинг билими сифати, ўзлаштириш даражасини аниқлашда Ф.Шарипова ва Н.Эргашевалар фан услубий бирлашмаси фаолияти, иш қўламини ва унинг мақсадга мувофиқлиги, дарслар таҳлилига эътибор қаратишган. Экспертлар томонидан тайёрланган назорат ишлари, олинган натижаларни умумлаштириб, ўз хулосаларини беришни ҳам унутишмаган.

Таълим муассасалари давлат аттестациясида жамоатчи экспертлар иштирокининг афзалликлари нималарда кўринади?

Аттестация текширувлари

ратчи ва педагог ходимлар ўртасидаги ишонч, ўзаро касбий ҳурмат, ишчанлик муҳитини таъминлайди. Энг муҳими, ҳамкасблар ўртасида илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, фикр, янги ғоялар алмашиш, янги педагогик технологияларни ўрганиш ва тарғиб қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилади.

Юртбошимиз назорат тизимидаги ислохотларни: "Яъни, жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг роли ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур" деб, таърифлаганлар. Зеро, жамоатчи экспертлар фаолияти таълим соҳасида худди шу талаблардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши керак.

С.АБДУЛЛАЕВА

Tanlov

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлиқда мактаб ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" ҳамда "Сиз тарихни биласизми?" мавзуларидаги кўрик-танловнинг вилоят босқичини ўтказди. "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловда Ғаллаорол туманидаги 44-мактаб ўқувчилари фахрли 1-ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар Жиззах тумани ҳамда Баҳмал тумани вакилларига насиб этди.

ЗУККОЛАР БАҲСИ

Хусусан, "Сиз тарихни биласизми?" мавзусидаги кўрик-танлов ўқувчи ёшларнинг қизгин баҳс ва мунозаралари билан ўтди. Унда юртимиз тарихини ҳар томонлама мукамал биладиган ёшлар, билимли зукколар астойдил кураш олиб бордилар. Ҳайъат аъзоларининг хулосасига кўра 1-ўринга Жиззах шаҳридаги Охунбобоев номи 6-ўрта мактабнинг "Адолат" гуруҳи муносиб деб топилди. Фориш туманидаги 78-ўрта мактабнинг "Истиқлол умидлари" гуруҳи ҳамда Дўстлик туманининг "Турон" гуруҳи аъзолари 2- ва 3-ўринларга лойиқ деб топилдилар. Ғолиб ўқувчиларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Абдусаттор СОДИҚОВ.

ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС

Оқолтин тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси халқ таълими тизимида 30-40 йилдан ортиқ ишлаган кекса педагогларни бир пиёла чойга таклиф қилишди, давра суҳбати шаклида уюштирилган бу тадбирда улар ўзларининг иш тажрибасидан ёш педагогларга гапириб бердилар.

Ғ.Фулом номидаги 2-ўрта мактабда 50 йил халқ фарзандларига хат-савод ўргатган, кекса нуруний онахон Лутфия Абдурахимованинг ўғитлари, тажрибалари ёш

ўқитувчиларга жуда маъқул бўлди.

Шу кунги ёшлар билан учрашувга қариллик гаштини сураётган мураббийлардан Кўчқор Худашев, Сайдали

Tadbir

Самандаров, Абдуқодир Жиянов, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Фулом Ҳабибуллаев, Дилафрўз Мўминова ва Замира Мўминова, Мусурмон Тошмуродов каби ўнлаб устозларнинг шоғирдлари билан учрашуви узоқ давом

этди. Устозлар ўз шоғирдларига мустақил республикамизга муносиб кадрлар тайёрлаш соҳасида зафарлар тилашди. Сўнгра нафақадаги ўқитувчиларга совғалар тақдим этилди. 2-мактабнинг ўқитувчиси К.Сувонқулов раҳбарлигидаги "Бинафша" ансамблининг шўх рақс ва кўшиқлари, ўқувчиларнинг шеърлари, табриклари учрашувга алоҳида файз киритди.

Анвар ЖАВЛОНОВ

ЁШЛАР МАНФААТИ — БОШ МЕЗОН

Андижон вилоятида "Қонун устувор бўлган юрт ёшларининг келажакга порлоқ бўлади" шиори остида ўн кунлик тадбир ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича шуғулланувчи комиссия ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирдан асосий мақсад, ёшларда маъсулият ва фидоийлик ҳиссини уйғотиш, ҳуқуқий билимларини ошириш, илм олишга, спортга қизиқтириш, қонунбузарлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ёшлар тарбиясига маъсул ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат эди.

— Энг аввал бу тадбир доирасида "Меҳнат бозори" ярмаркасини ўтказдик, — дейди Хўжаобод

тумани ҳокимининг ўринбосари Абдуваҳоб Нишоннов, — Унда тумандаги мулк шаклидан қатъий назар 24 та меҳнат жамоаси томонидан 212 та бўш иш ўрни намойиш қилинди ва 124 нафар иштирокчи шу куннинг ўзида иш билан таъминланди.

Шу йилнинг бошида туман аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан 1470 киши ишсизлиги учун рўйхатга олинган эди. Уларнинг 161 нафарини ҳеч қаерда ўқимай, ишламай келаётган вояга етмаганлар ташкил қиларди.

Бу галги ярмаркада вояга етмаган ўсмирларни иш ва касб-хунарга йўналтиришга диққат билан қаралди. Масалан, М.Мадиёров номи ширкат хўжалиги 12, "Хўжа-

ободконсерва" ҳиссадорлик жамияти 13, Мева қуритиш корхонаси 9, газлаштириш идораси 8, "Юсуф ота", "Порлоқ", "Дехқон" каби ферма хўжалиқларига эса 15 киши ишга қабул қилинди.

Шунингдек, ярмаркада ўзига шоғирд сўраб мурожаат қилган якка тартибда фаолият кўрсатувчи 7 нафар хунарамандга 27 нафар ўсмир шоғирдликка қабул қилинди.

Шу тарзда ўтган йили 274 нафар ўсмирга хунара ўргатилди. Бунинг учун аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан 6 миллион сўм маблағ сарфланди. 2002 йилда яна 400 нафар вояга етмаган ўсмир касб-хунарга ўргатилади. Шу мақсад учун 10 миллион сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилади.


О.СИДДИҚОВ

ТАЛАНТЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Республика ХТВ тасарруфидаги Республика ўқувчи-ёшлар маркази ижодий ходимлари билан ўқувчи-ёшлар ўртасида кечган мулоқот ана шу мавзуда бўлди. Чилонзор туманидаги 217- ҳамда 200-умумтаълим мактабларидаги таҳсил олаётган болажонларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳамда Ёшлар марказидаги турли тўғарақларга жалб этиш мақсадида ташкил этилган бу тадбир қизиқарли ўтди. Аввало марказ ходимлари ва бадий жамоа раҳбарлари марказдаги ашула ва рақс жамоаси, эстрада гуруҳи, доирачилар ва замонавий рақс тўғарақлари ҳамда қизиқувчилар клублари фаолиятлари ҳақида гапириб, уларнинг машғулотлар жадваллини айтиб ўтди. Сўнг марказдаги "Гулрўх" ва "Тонг" бадий жамоалари ўқувчиларга мусиқий дастурлар намойиш этишди.

Учрашув якунида мактаб жамоаси бу тадбир ўқувчи-ёшларнинг дарсдан бўш вақтларини мароқли ўтказишлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва айниқса, барча тўғарақларнинг бепоул ташкил этилганлиги ўқувчилар ва ота-оналар учун ҳам аини мудоаолигини айтиб ўтишди.

Мавлуда МУҲАММАДИЕВА,
Республика ўқувчи-ёшлар марказининг бўлим бошлиғи



Ватан равнақи, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги учун қалб қўри, куч-қудратини бахшида этадиган, ҳар жиҳатдан баркамол фарзандларни вояга етказган юртининг келажаги буюқдир, бундай юрт ҳеч қачон бировга қарам бўлмайди, бундай юрт жаҳон ҳам-жамиятида ҳаммиша ўзининг муносиб ўрнига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг ёшларни ана шундай олижаноб мақсадлар руҳида тарбиялашга қаратилган улкан саяёҳ-ҳаракатларининг дастлабки натижаси ўларок, мамлакатимизда ёш авлодни камол топишга йўналтира оладиган самарали жисмоний тарбия ва спортнинг яхлит тизими шаклланди.

Мазкур тизим Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида яратилган, у ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига мунтазам жалб қилишни таъминлайди.

Ушбу тизим гоёт кенг қамровли бўлиб, унинг оммавий спортни ташкил қилиш таркиби қўйидаги бир нечта бўғинлардан иборат.

Биринчи бўғин — “УМИД НИХОЛЛАРИ” ўйинларини қамраб олади, бу мусобақалар ҳар йили тўрт босқичда ўтказилади.

Биринчиси — мактаб босқичи, сентябрь-октябрь ойларида барча синфлар ўртасида белгиланган спорт турлари бўйича ўтказилади. Унда I-IV, V-VII ҳамда VIII-XI синфлар ўқувчиларидан ташкил этилган мактаб терма жамоалари, кейинги босқичга йўлланма олади.

Иккинчиси — мактаблар терма жамоалари учун туман (шаҳар) босқичи. У октябрь-ноябрь ойларида V-VII, VIII-XI синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ва I-IV синфлар учун кузги таътил вақтида кувноқ спорт ўйинлари тарзидаги якуний босқич, яъни финал билан якунланади.

Учинчиси — туманлар (шаҳарлар) терма жамоалари учун вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) босқичи. У ноябрь-январь ойларида VIII-XI синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ўтказилади ва V-VII синфлар учун қишки таътилда финал ўйинлари билан якун топади.

Тўртинчиси — туманларнинг VIII-XI синфлар ўқувчилари терма жамоалари учун баҳорги таътил пайтида финал босқичи билан якунланади.

Мамлакат финал босқичи мусобақалари вилоятларнинг (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) VIII-XI синфлар ўқувчилари терма жамоалари ўртасида апрель ойида бўлиб ўтади.

Этиборлиси шундаки, мазкур мусобақалар юртимиздаги барча мактаб ўқувчиларини ўз доирасига қамраб олади ва спортни уларнинг кундалик эҳтиёжига айлантиришга, шу орқали миллат генофондининг соғлом бўлишига хизмат қилади. Ҳар босқичларда терма жамоалар тузилиши туфайли иқтидорли ёш спортчиларнинг спорт турлари бўйича маълумот банки тузилади. Кўзга кўринган бирон бир ўқувчи назардан четда қолмайди ва юртимиз шухратини оламга таратадиган бўлажак спорт юддузлари илк бор шу босқичда ўз маҳоратини кўрсатади. Бундай

мусобақалар жараёнида ишнинг кўзини биладиган барча спорт федерация мураббийларига истеъдодли ёшларни кашф қилиш учун катта имкониятлар эшиги очилади.

Мазкур янги тизимнинг иккинчи бўғини — “БАРКАМОЛ АВЛОД” спорт ўйинлари академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида икки йилда бир маротаба (тоқ йилларда) тўрт босқичда ўтказилади.

Уларнинг биринчиси — ўқув юрти босқичи, иккинчиси — ту-


зандлари мизни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасидаги ҳаракат ва интилишларнинг ёрқин қирраларидан биридир.

Ушбу тизим ўзини ўзи бошқаради, турли босқичдаги таълим муассасаларининг моддий ва спорт базасини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Унинг энг ибратли томони шундаки, ёшлар ўз интилишлари самарасини мусобақалар босқичига ўтишда кўриб, ҳис этади. Бу эса улардаги ғурур ва аниқ мақсад сари интилиш туйғуларини кучайтиради, минглаб ёшларни дўстлаштиради, уларни эзгуликка, мардликка, олижанобликка чорлайди, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Бу тизим таркибидаги мусобақаларнинг барчаси Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, унинг келажаги ва тинчлигини таъминлаш учун ўта муҳимдир. Қолаверса, у халқаро Олимпиа ҳаракатида муносиб ўрин эгаллашга интиладиган Ўзбекистон учун битмас-туганмас, қудратли спорт захирасини барпо этиш имконини яратади.

2000 йили Наманганда ўтказилган талабалар Универсиадаси, 2001 йили Жиззахда бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари мазкур тизимнинг ёш авлод тарбиясида қанчалик муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Дунёнинг ҳеч қайси давлатида Ўрта махсус ва касб-хунар таълим тизими талабалари ўртасида расмий оммавий мусобақа ўтказилмайди. Шунинг учун ҳам “Баркамол авлод” спорт ўйинларининг олтин медали Хал-



қаро Олимпиа қўмитасининг ўша пайтдаги президенти Хуан Антон Самаранча топширилганда, у мазкур мусобақаларни ҳақиқий кичик олимпиада, деб атагани бежиз эмас. Ўз навбатида, мусобақаларнинг кумуш медали Осиё олимпиа кенгаши раиси Шайх Аҳмад ал-Сабоҳга тақдим этилганда ҳам катта маъно бор.

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мазкур тизимнинг дастлабки босқичи — мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларини ўтказишга киришилди.

нинг биринчи босқичида 120 минг талаба қатнашган бўлса, “Баркамол авлод” мусобақаларида жами 500 мингдан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди. “Умид ниҳоллари” ўйинларида 5,7 миллиондан зиёд ўқувчи қатнашди. Мана шу тариқа биз спортнинг оммавийлиги сари бормоқдамиз.

Бинобарин, қўйи бўғиннинг ҳар босқич ўйинларида миллионлаб болалар узлуксиз равишда қатнашиши учун спорт базаларининг талаб даражасида тайёрлаш, мазкур мусобақаларни фақат олимпиа мезонлари асосида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, амалий ишлар механизмини ишлаб чиқиш мақсадида дастлабки мусобақаларни тизимнинг учинчи ва иккинчи бўғинларидан бошлаш мақсадида мувофиқ бўлди. Қолаверса, бу икки бўғин энг асосий оммавий мусобақа — “Умид ниҳоллари” учун ўзига хос тажриба, андоза бўлиб хизмат қилди, уни юксак савияда ўтказишга замин яратди.

(Жадвалга қarang).

Жисмоний ва маънавий мукамалликка эришишнинг муҳим омил бўлган спорт бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги устувор йўналишга айланди. Оммавийликдан юксак спорт ютуқларига йўналтирилган янги тизим фарзандларимиз ўртасида ёшлиқданок соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда халқаро майдонларда Ўзбекистон нуфузини оширишга хизмат қилади. Зеро, спорт ўйинлари машъаласидан таралган ёрқин тафту ҳарорат ёшларимиз қалбига кўчиб, янада кучлироқ порлайди, деб умид қиламиз.

Маҳмуд АХМАТОВ

КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ТИЗИМ




Бугун эса унинг фаол босқичи Фарғонада бошланади.

Бу тизим таркибидаги мусобақалар нима учун унинг қўйи бўғинидан — “Умид ниҳоллари” ўйинларидан эмас, балки унинг юқори бўғинидан — “Универсиада” ўйинларидан бошланди, деган табиий савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, қўйи бўғин мусобақаларида иштирокчилар кўп, улар оммавий руҳда ўтади. Бу эса алоҳида тайёргарликни талаб этади.

Универсиада спорт ўйинлари-

Узлуксиз таълимда оммавий спортни ташкил қилиш тизими



САЛОМАТЛИК — АЗИЗ НЕЪМАТ

Вилоятимизда, 1 ҳафта давом этадиган оммавий тадбирда 24 минг кишининг иштирок этиши бизга ҳам катта масъулият юклайди. Одамлар кўчаларни тўлдириб юришади, турли хил маданий чиқишлар бўлади, жойларда озиқ-овқатлар сотилади, транспорт қатнови кенгайди. Ҳар қандай тадбирга масъул кишилар ўзининг соҳаси, белгиланган вазифаси нуқтаи назаридан қарайди. Мазкур мусобақалар, тантанали маросимлар биз тиббиёт ходимлари учун тигиз пайтларда тезкор ишлашимизни, малакали хизмат кўрсатишимизни талаб этади. Чунки, кўп одам қатнашадиган йиғинларда турли вазиятлар, нозик ҳолатларда саломатлик борасида оз-моз муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Ана шуларнинг олдини олиш, зарурият туғилганида тезкор равишда тиббий ёрдам кўрса-

тиш мақсадида кенг миқёсли режа туздик, тадбирлар ишлаб чиқдик.

Бугун мусобақалар ўтадиган жойларда, спортчи ўқувчилар ва бошқа меҳмонлар ётоқхоналарида тиббий ёрдам кўрсатиш ташкил этилган. Жумладан, очилиш ва ёпилиш тантаналарида учта тез тиббий ёрдам бригадалари иштирок этади. Улар керакли дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Шунингдек, мусобақа ўтказиладиган жойларда яна 12 та бригада тадбир туғунга қадар навбатчиликда туради.

Меҳмонхоналар ва ётоқхоналарда ташкил этилган 18 та тиббий хоналарда 250 нафар шифокор ва ўрта тиббиёт ходимлари навбатчиликда туришади.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати инс-

пекцияси томонидан мусобақа қатнашчиларининг ётоқхоналари, ўйинлар ўтказиладиган жойларнинг санитария талабларига жавоб бериши, уларнинг сифатли озиқ-овқат, ичимлик суви билан таъминлиши доимий назоратда турибди.

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ҳам ўқувчилар спортини, аҳоли орасида оммавий спортни ривожлантириш, шу орқали кишилар соғлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган. Биз тиббиёт ходимлари эса тадбир иштирокчилари — меҳмон ва мезбонларнинг спорт байрамини кўтаринки руҳда ўтказиб, манзилларига соғомон етиб боришлари учун ёрдамга шаймиз.

Ҳамроҳон ҲОЖИРАҲМАТОВА,
Фарғона вилояти
соғлиқни сақлаш
бошқармаси бошлиғи

КЎЛИМИЗ
КЎКСИМИЗДА

Биз Республикаимизнинг турли бурчақларидан ташриф буюрадиган спортчи ўқувчилар, мураббийлар, ҳакамлар, санъаткорлар ҳамда мезбонларга қулай шароит яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Ана шу мақсадда “Фарғонатранс” уюшмаси 48 та “Отайўл”, 20 та “Дамас”, 4 та “РАФ” русумли машиналарни ажратди. Шунингдек, мусобақалар очиладиган кундан эътиборан барча шаҳар ва туманлардан яна талайгина “Отайўл” ва “Дамас” машиналари хизмат кўрсатиш учун юборилади.

Тожиали УСМОНОВ,
“Фарғонатранс” уюшмаси
масъул ходими,
“Умид ниҳоллари”
штаби аъзоси

МАДАНИЙ ТАД-
БИРЛАР КЎЛАМИ

Биз ушбу спорт байрамида ўқувчилар зерикиб қолмасликлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун маданий тадбирларни кечадан бошлаб юбордик. Режага асосан, санъаткорларимиз, шу соҳага масъул кишилар бир ҳафта давомида меҳмонларнинг кўнглини хушнуд этиш учун хизмат қиладилар.

Биз тузган тадбирлар, хилма-хил ва мавзулари ҳам ўзига хос. Уларда вилоятимиз ва республикаимизда таниқли бўлган санъаткорлар, ҳажвчилар, соҳа кишилари ҳамда ўқувчилардан тузилган бадиий дасталар қатнашадилар.

Спортчи ёшларимиз вилоят ўлкашунослик музейига, Марғилон шаҳридаги “Ёдгорлик” фабрикасига қарашли машҳур чинни заводига саёҳат уюштирадилар, Хотира майдони, Марғилондаги Бурҳониддин ал-Марғилоний ҳамда Кува туманидаги Аҳмад ал-Фарғоний мажмуасини зиёрат қиладилар.

Концертлар, дилтортар суҳбатлар, томошалар, театрлаштирилган чиқишлар орқали ёшларимизга миллий удум ва аъналаримиз, қадриятларимиз ҳақида тушунча берамиз. Шуни унутмаслик керакки, ўғил-қизлар онгида маънавиятни шакллантиришда, уларнинг онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда, хуллас, баркамол инсонни тарбиялашда маданий тадбирларнинг тутадиган ўрни катта.

Маҳмуджон САИДОВ,
Фарғона вилоят маданият ишлари
бошқармаси бошлиғининг
ўринбосари

Муносиб равишда “Умид ниҳоллари” деб номланаётган спорт мусобақалари бизга кўп наф, фазилат келтирди. Атрофга қарасангиз, фарғоналик ёшларнинг ҳаммаси спортчи бўлиб кетгандек. Майдонларни тўлдириб тўп тепаяпти, уларнинг кўплари тонг сахардан югуришни бошлашади. Бунинг фойдали томонлари кўп. Ёшларимиз ҳар холда, ичиш-чекишга, гиёҳвандликка берилиб кетишмайди. Спорт орқали камолотга эришиш мумкинлигини барча бирдек тушуниб етмоқда.

Мусобақа ҳаётида шахримиз жамолининг янада очилиб кетганини қаранг, ҳаммаёқ озода. Шундай экан, спорт йиғинларини

ОЛҚИШЛАРИМИЗ НАФ
КЕЛТИРСА АЖАБМАС...

кўпроқ ўтказиб туриш керак, токи биз каби қариялар ҳам ҳадеб чойхонанинг салқин жойларини хуш кўравермасдан, истихолани йиғиштириб қўйиб бадантарбия билан шуғулланайлик.

Саккиз нафар ўғилларимизнинг ҳаммаси, иншооло, ўзининг касбига, ҳунарига эга. Улар “Умид ниҳоллари”нинг ташкилий ишларида қатнашаёпти, ўзларига яраша юмушларни бажаришяпти. Мен ўзим ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, шаҳарнинг ободонлаштириш ишларига имкон даражасида аралашдим. Қатор-қатор набираларим эса мусобақаларда иштирок этишяпти. Футболга ишқибозлигим борлиги учун футболчи болаларимизнинг чиройли ўйинларини томоша қиламан. Албатта, фарғоналикларга ён босамиз-да. Бизнинг ҳам озми-кўпми олқишларимиз наф бериб, улар голиб чиқишса, не ажаб!

Исмоилжон ИСРОИЛОВ,
Фарғона шаҳридаги
тиббиёт институтининг фахрий
хизматчиси



“Umid nihollari —2002”

Жаннатмакон юртимиз узра фасллар келинчаги — баҳор ўзининг зумрад сепини баралла ёйди. Олтин водий боғларида неки ниҳол бор, ҳаммаси барқ уриб яшнамоқда. Ўрик аллақачон гулини тўкиб, шохларида дув-дув мева тугди. Баҳорнинг ана шундай авж палласида водийнинг эрка гўшаси — сўлим Фарғонанинг чиройи янада очилиб кетгандай.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари республика босқичининг айнан Фарғонада ўтказилиши белгиланганидан кейин бу ерда жуда кўп ва ҳўп хайрли ишларни амалга оширишга киришилди. Вилоятдаги мавжуд барча спорт иншоотларида, хиёбонлар, йўллар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, таълим ўчоқла-

нинг дам олишлари, бўш вақтларини фаол ўтказишлари учун барча шароитлар яратилди. Мусобақаларга тайёргарлик одамларни жипслаштирди ва фаоллаштирди. Шу аснода, Фарғонанинг спорт салоҳияти аста-секин тикланиб, спортчилар шахрига айлана борапти.

Ҳозиргача спорт тадбирлари олиб бориладиган шаҳар ёки туманларда 7,5 минг туп арча, 21 минг туп мевали, 56 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Дарвоқе, Республика Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими томонидан Фарғона—Кува катта йўли четидаги 6,3 гектар ер яқинда ўзлаштирилди. Ёшлар бўш вақтларида ерларни тошлардан тозалаб ариқ қазийди ва олис масофадан сув келтиришди. У ерга 2

МАКТАБ ЎЙИНГОҲЛАРИДАН
КАТТА СПОРТТА

рида кенг миқёсли бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари фақат ҳашар усулида амалга оширилди.

Спортнинг 11 та тури бўйича мусобақалар ўтказиладиган 15 та спорт иншооти илғор андозаларга монанд қайта қурилди, таъмирланди ва жиҳозланди. Шунингдек, спорт майдонларини, кўчалар ва хиёбонлар, меҳмонлар кўналғасини тахт ҳолга келтириш учун 2 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Вилоятда мана шундай кенг миқёсли ободонлаштириш ишлари амалга оширилган экан, бундан фақат фахрланиш, қаноат қилиш лозим. Чунки, мусобақалар сабабли амалга оширилган юмушлар натижаси — ялпи қурилиш, қайта тикланган ва кенгайтирилган, нозик дид билан жиҳозланган спорт майдонлари, кўркамлаштирилган хиёбон ва кўчалар фарғоналикларга қолади.

“Умид ниҳоллари” ўйинлари нафақат спорт мусобақалари, балки чинакам халқ байрами ҳамдир. Бу тадбир шунингдек, юртимизда тинчлик, тотувлик, миллатлараро биродарлик тантанасининг ўзига хос рамзидир. “Умид ниҳоллари” мактабларнинг кичик ўйингоҳларидан катта спорт сари йўл очиб берди. Холбуки, мазкур мусобақаларни ўтказишдан кўзланган мақсадлар ҳам ёшларни мактабдан бошлаб, катта спортда иштирок этишга илҳомлантириш ва олимпия чемпионолари ўринбосарларини тайёрлаш кабилардан иборат. Республика босқичи Фарғонада ташкил этилиши муносабати билан Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғи олимпия шаҳарчасига айлантирилди. Бу ерда спортчи ўқувчилар ва мухлислар-

мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари экилди. Қатор ораларига бугдой сепилди. Бу ер ҳозирда чирой очиб, гуллаб-яшнамоқда.

Бу майдон “Умид ниҳоллари” деб аталди. Мазкур табиат гўшаси келажакда ёшларнинг дам олиш, турли хил тадбирлар ўтказиш маскани бўлиб қолади. Эндилликда боғ бағрига тўртта суҳбатлашиш жойи, тадбирлар учун мўлжалланган зал, амфитеатр, сунъий сув ҳавзаси, қатор очик спорт майдончалари барпо этилади.

Умумий ҳисобда 24 минг киши иштирок этиши кутилаётган ушбу спорт байрамининг очилиш маросими арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар спортчилари, мураббийлар, ҳакамлар, спорт фахрийлари марказий “Нефтчи” ўйингоҳи рўпарасидаги хиёбонга ташриф буюриб, Аҳмад Ал-Фарғоний ҳайкали олдида саф тортадилар. Ва улар мумтоз куй садолари остида ҳайкал пойига гуллар қўядилар. Бир дақиқалик хотира сукутидан сўнг улар қарнай-сурнай, ногора садолари кузатувида ўйингоҳ томон ўтишади.

Фарғонада бўлиб ўтадиган “Умид ниҳоллари” спорт байрами бундан аввалги ташкил этилган барча мусобақалардан, уюшқоқлиги, кўп соҳаларда арзигулик натижаларга эришилиши билан ажралиб туриши керак. Вилоятда фаол олиб борилган кенг миқёсли тайёргарлик ишлари мазкур тадбирга ҳукумат даражасида кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрлик спорт шодиёнасининг юқори савияда ўтказилажигидан дарак берапти.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
“Маърифат”нинг
маҳсус мухбири

ФАРҒОНА – СПОРТЧИЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНДИ

“Умид ниҳоллари” мусобақалари ўқувчилар спортини ривожлантиришда, баркамол авлодни жисмонан бақувват, руҳан теглик тарбиялашда, маданий тадбирлар воситасида миллий истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдиришда, кишилар турмуш даражасини яхшилашда муҳим ўрин тутди. Мазкур спорт анжуманининг халқимизга, хусусан, ўсмирлар ва қизларга, фарзандларимизга қандай наф бераётганлиги маълум. Аммо биз — ёшлару катталар мусобақаларга тайёргарлик кўришда, уни юқори савияда ўтказишга қандай ҳисса қўшдим, деган саволни ўзимизга, бир-биримизга бериб кўрсак, виждонан дуруст бўлар эди.

“Умид ниҳоллари” спорт му-

собақаларининг республика босқичи ilk мартаба Фарғонада ўтказилаётган экан, бу азим Фарғона аҳли учун билдирилган ишончдир.

Спорт байрами туфайли одамларимизнинг ташкилотчилик, ижодий ишчанлик фаолиятлари яна бир қарра синовдан ўтапти. Мусобақаларга тайёргарлик жараёнида вилоят миқёсида кўпгина бунёдкорлик юмушлари амалга оширилди.

Мавжуд 896 та мактаб спорт майдонларидан 217 таси тартибга солинди, 7 та сузиш ҳавзаси қайта тикланди. Шаҳар ва туманлардаги 27 та спорт майдончаси, 53 та спорт заллари таъмирланди.

Фарғона шаҳри янада ободонлашди, Навоий, Баҳор, Ёрмозор

каби кўчаларда 156 та, Қиргули туманидаги 72 та кўпқаватли уйлар бўёқдан чиқарилди. Мана шу каби ишларга 586 миллион сўм сарфланди. Санайверсак, далиллар кўп. Мазкур фаолиятларнинг алоҳида кўрсатадиган жиҳати шундаки, юқоридан ажратилган юмушлар қисқа вақтларда ҳашар усули билан амалга оширилди. Ҳашарда ўқувчилар, талаба ёшлар, ташкилот ва корхоналар, маҳалла аҳли бажонидил қатнашдилар. Бундай хайрли ишлар спорт байрамидан кейин ҳам давом эттирилади.

Адҳамжон ОТАЖОНОВ,
Фарғона вилоят
ҳоқимлигининг котибият
мудирини, “Умид ниҳоллари”
штаби аъзоси



“КАМОЛОТ” ҲАМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг Республика босқичи Фарғонада ўтказилиши “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ходимлари ва аъзолари томонидан олиб борилаётган фаолиятни янада кенгайтириш ва кучайтиришга даъват этди. “Умид ниҳоллари”нинг вилоят штаби бизнинг бинода жойлашиши ҳам бежиз эмас. Мусобақаларнинг барча ташкилий ишлари мана шу ердан туриб бошқарилапти. Зеро, спорт мусобақаларида бажариладиган жуда кўп юмушлар бизнинг вазифаларимиз сирасига ҳам киради.

Байрам тантаналари очилгунга қадар “Умид ниҳоллари” боғини барпо этдик. Шунингдек, шаҳар ва туманлардаги, жумладан, мактаб ва маҳаллалардаги қаровсиз қолган 20 га яқин спорт майдончаларини таъмирлаб, ободонлаштириб ва кўкаламзорлаштириб, фойдаланишга топширдик.

Масалан, Кўқон шаҳридаги 35-мактабнинг волейбол, баскетбол, футбол майдонча-

ларида ҳашар йўли билан таъмирлаш ишларини ташкил этдик. Спорт анжуманини харид қилиш учун 20 минг сўм ҳисобимиздан маблағ бердик. Фарғона шаҳридаги 20-мактабнинг спорт иншоотларини таъмирлаш ишларига 36 минг сўм ажратдик. Кува туманидаги 42-мактабнинг қаровсиз қолган футбол майдончаси ҳам яроқли ҳолга келтирилди.

“Умид ниҳоллари” мусобақаларига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётганлигини Президентимизнинг ёшлар тарбиясига, ўқувчилар спортини ривожлантиришга кўрсатаётган яна бир оталарча ғамхўрлиги деб билмоқ керак. Ана шу ғамхўрликка жавобан мамлакатимизнинг барча ёшлари янада уюшқоқ, фаолроқ бўлиб, ижодий меҳнат, аъло ўқиш, маънавият соҳасида ибрат намуналарини кўрсатишлари лозим.

Ғулмоқдир МУЛЛАЖОНОВ,
“Камолот” ёшлар ижтимоий
ҳаракати Фарғона вилояти
кенгашининг раиси



ЭҲТИМОЛ, СПОРТ МУТАХАССИСИ БЎЛИБ ЕТИШАРМАН

Узунликка сакраш, бир қарашда кишига жуда осондек туюлади. Аммо бунинг ҳам ўз машаққатлари, сирли томонлари бор. Мен машғулотларда, югуришда сакрашга асосий эътиборни қаратаман. Чунки узунликка сакраш учун белгиланган чизиқчага катта тезликда югуриб келиш, олдинга сакраганда эса оёқларни силтаб, бошни ҳам олға интиштириш керак. Бу ҳаракат қисқа вақтда бажарилади. Унга тайёргарлик жуда узоққа чўзилади. Югуриб келинганда инерция қанчалик бўлса, марра сизга шунчалик яқинлашади.

Вилоят мусобақаларида 4 метру 6 см.га сакраб голибликни қўлга киритдим. Бундай натижа кўрсатиш менга машғулотларда одатий ҳолга айланиб қолган десам мақтанчоқликка йўймасизлар. Энди “Умид ниҳоллари”нинг Республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қиламан. Очиғи, жуда ҳаяжондаман. Чунки юзлаб нота ниш кўзлар сизга қараб турган вақтда ҳаракат бажарилиши керак.

Мактабларда қизлар спортининг ривожланмагани мени ўйлантиради. Бунга сабаб, аёл мураббийларнинг камлиги, қолаверса, тенгдош дугоналаримни тортинчоқлиги бўлса керак. Агар навбатдаги мусобақаларда ҳам голиблик шохсупасига кўтарилсам, бу қизларимиз учун ибрат бўлар. Ана шунда ўзимни олимпия чемпионларининг ўринбосарлари қаторида ҳисоблайман. Эҳтимол, келажакда спорт мутахассиси бўлиб етишарман.

Зумрадхон МЕЛИБОЕВА,
Ўзбекистон туманидаги 247-мактаб ўқувчиси

ҒАЛАБАГА ЭРИШИШ ОСОН ЭМАС

Бизнинг Фарғона вилояти волейбол жамоамизда 12 нафар ўқувчи қизлар иштирок этапти. Уларнинг барчаси ҳам спортнинг шу тури бўйича яхшигина шуғулланишган.

Мусобақаларда ғалаба қозонишимиз осон эмасга ўхшаб қолди. Чунки биз билан Тошкент ва Наманган вилояти қизлар терма жамоалари майдонга тушар экан. Тан олиш керак, улар нисбатан анча кучли спортчилар. Шундай бўлса ҳам, қароримиз қатъий. Чунки беллашувларда фақат ғалабани кўзламаган спортчи спортчи эмас.

30 йилдан буён вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббийлик қилиб келаман. Тажрибаларимдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, волейболда ҳам баскетболдаги каби қизларнинг бўйи баландроқлиги муҳим ўрин тутди. Шунингдек, тезлик, ҳаракатчанлик, зийраклик сифатлари ҳам керак.

Майя ИВАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган
жисмоний тарбия ва спорт
ходими

МУСОБАҚАЛАРДА ҚАТНАШИБ КЎПЛАБ ДЎСТАЛАР ОРТТИРДИМ

Спортнинг миллий кураш тури билан бир неча йилдан буён мунтазам шуғулланаман. Катта орзуларнинг этагини тутиб, мактабимизда ва шаҳар бўйича ўтказилган мусобақаларда қатнашдим. 54 килограммгача бўлган вазнда тенгжурларим орасида голибликни қўлга киритдим. Вилоят босқичидаги гиламга чиққанамда эса... ҳали ҳам енгиланамга ишонгим келмайди. Эҳтимол, спортда келадиган омад менга кулиб боқмагандир.

Ниятим мусобақаларнинг республика босқичида қатнашиб, мактабимиз, шаҳримиз ва вилоятимиз шаънини ҳимоя қилиш, спорт салоҳиятимизни кўпчиликка кўрсатиб қўйиш эди. Аммо бу мағлубият менинг руҳимни туширгани йўқ. Насиб этса, машқларни янада кучайтираман, ўз устимда кўпроқ ишлайман. Кейинги мусобақаларда, албатта, голиблик шохсупасига кўтариламан. Ҳозир эса гиламга чиқадиган тенгжурларимга ҳам курашчи, ҳам ашаддий муҳлис сифатида омад тилайман.

Ғарчи мағлуб бўлсам-да мусобақаларда қатнашиб кўплаб дўстлар орттирдим. Муҳими эса, ўзимнинг курашчи сифатидаги қобилиятимга очиқ баҳо бериш илқони тугилди. Камчилик томонларимни аниқлаб олдим. Уларни бўлажак машғулотларда, албатта, тўлдираман.

Неъматжон МАКСУДОВ,
Фарғона шаҳридаги
3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси



КЎЗГУДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қашқадарё вилоятдан 2001 йилда 16259 абитуриентдан ариза тушган бўлса, улардан 154 таси давлат гранти бўйича ўқишга қабул қилиниб, ўз мақсадига эришган.

Вилоят 1999 йилда тест имтиҳонида 36,48% самарадорлик билан 7-ўринни ва 2001 йилда 32,82% билан 5 ўринни эгаллаган. 2001 йил тест натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятда 6 фандан ўсиш (ўзбек тили ва адабиёти, математика, физика, биология, кимё, география) ва 2 фандан (тарих, инглиз тили) камайиш содир бўлган. Барча фанлар бўйича аниқ маълумот куйида келтирилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	28,61	7	27,28	6
Математика	37,74	4	38,92	2
Физика	29,80	4	30,77	2
Биология	34,70	8	36,66	4
Кимё	33,31	7	32,61	4
Тарих	33,67	2	32,49	3
География	36,30	14	36,12	12
Инглиз тили	35,54	6	35,58	8
Немис тили	29,31	5	28,08	5
Француз тили	29,94	8	29,72	8

Рус гуруҳларида 5 фандан (рус тили ва адабиёти, математика, физика, биология, немис тили) ўсиш 2 фандан (тарих, инглиз тили) пасайиш кузатилган. Инглиз тили бўйича вилоят 6-ўридан 10-ўринга тушиб кетган. Тўлиқ маълумот куйида келтирилган.

(Рус гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Рус тили ва адабиёти	35,42	14	38,51	11
Математика	32,74	14	36,51	8
Физика	26,69	13	26,59	12
Биология	45,34	6	47,44	3
Кимё	42,09	3	39,58	3
Тарих	34,03	10	33,20	11
Инглиз тили	47,01	6	45,32	10
Немис тили	32,51	6	34,09	5
Француз тили	25,40	12	25,40	12

Вилоятнинг туманлари бўйича ҳам абитуриентларнинг тестдаги жавоблар самарадорлиги ўрганилган. Бунда Баҳористон, Ғузор, Китоб туманлари бироз юқори кўрсаткичга эришган бўлса, Деҳқонобод, Косон, Нишон туманлари паст натижага эришган. Барча туманлар бўйича аниқ маълумот куйида келтирилган.

(Олий ўқув юртлари кундузги, ўзбек гуруҳлари)

Т.р	Туман, шаҳар	Самарадорлик 2001	Республикада тулган ўрни
1.	Баҳористон тумани	35,41	26
2.	Ғузор тумани	35,2	31
3.	Китоб тумани	34,91	33
4.	Муборак тумани	33,69	49
5.	Шахрисабз тумани	33,36	57
6.	Яккабоғ тумани	32,84	74
7.	Қарши шаҳри	32,52	87
8.	Усмон Юсупов тумани	32,43	90
9.	Қарши тумани	31,64	115
10.	Чирокчи тумани	31,35	128
11.	Касби тумани	31,15	134
12.	Қамаши тумани	30,88	147
13.	Деҳқонобод тумани	30,58	154
14.	Косон тумани	30,46	159
15.	Нишон тумани	29,91	176

Вилоят абитуриентларининг тестда тўплаган баллари бўйича натижалар ўрганилди. Чунки улар мактабдаги таълимнинг сифатини, абитуриентларнинг тест имтиҳонига тайёрланиши ва бошқа педагогик омилларнинг натижаси ҳисобланади. Вилоят бўйича 8300 абитуриент тест имтиҳонидан 0% дан 30% гача тест топшириқларини еча олган. 5132 абитуриент 40% дан 100% гача тестга тўғри жавоб берган. Кўриниб турибдики, тестга пухта тайёрланган абитуриентларга нисбатан бўш тайёрланганлар сони кўпроқ.

Таълим йўналишлари бўйича абитуриентларнинг сони таҳлил этилганда вилоятда математика ва техникага қизиқиш кучайганлиги маълум бўлган.

Вилоятнинг тест имтиҳонидан энг юқори кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари республиканинг энг илғор шаҳар ва туманларига таққослаб ўрганилди. Қашқадарёнинг Баҳористон тумани физикадан ва Усмон Юсупов тумани кимёдан энг юқори кўрсаткичга эришган. Лекин бошқа туманлар илғорлардан 4% дан 10% гача орқада қолган. Вилоят бўйича аниқ маълумот куйида келтирилади.

(Ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят	Туман ёки шаҳар	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Китоб тумани	1443	28,82	Вилоят	Тўқимачилик тумани	284	33,26
Математика	Муборак тумани	81	45,61	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	356	50,98
Физика	Баҳористон тумани	16	47,57	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тумани	16	47,57
Биология	Китоб тумани	457	41,73	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97
Кимё	У.Юсупов тумани	81	42,32	Қашқадарё вилояти	У.Юсупов тумани	81	42,32
Тарих	Китоб тумани	481	36,22	Андижон вилояти	Шахрихон шаҳри	17	48,53
География	Ғузор тумани	21	49,07	Тошкент шаҳри	С.Раҳимов тумани	17	57,10
Инглиз тили	Қарши шаҳри	575	41,87	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	47	53,13
Немис тили	Қарши тумани	103	33,17	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	50	44,17
Француз тили	Ғузор тумани	26	38,03	Бухоро вилояти	Ромитан тумани	54	46,60

Вилоятнинг тест имтиҳонидан энг паст кўрсаткичга эришган шаҳар ва туманлари ўрганилди. Вилоятнинг Нишон тумани 20,44% самарадорлик билан республикада энг паст кўрсаткичга эришган туман эканлиги маълум бўлди. Вилоятнинг паст кўрсаткичли туманлари рес-

DTM tahlili

публика шаҳар ва туманларидан бирмунча юқори турса ҳам бу борада эътиборни кучайтириш зарур. Тест имтиҳонидан энг паст натижага эришган туманлар ҳақидаги маълумот куйида келтирилган.

(Ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман ёки шаҳар	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят	Туман ёки шаҳар	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	У.Юсупов тумани	276	25,40	Қорақалпоғистон Рес.	Бузатов тумани	22	21,34
Математика	Касби тумани	419	33,99	Навоий вилояти	Томди тумани	27	25,51
Физика	Касби тумани	224	27,57	Андижон вилояти	Бўз тумани	56	20,98
Биология	Қамаши тумани	362	32,52	Сирдарё вилояти	Сайхунбод тумани	122	27,14
Кимё	Касби тумани	260	29,05	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
Тарих	У.Юсупов тумани	53	27,04	Қорақалпоғистон Рес.	Хўжайли шаҳри	25	26,11
География	Чирокчи тумани	16	28,82	Сурхондарё вилояти	Кумқўрғон тумани	31	28,05
Инглиз тили	Деҳқонобод тумани	79	29,04	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	74	22,67
Немис тили	Деҳқонобод тумани	14	22,82	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
Француз тили	Нишон тумани	14	20,44	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44

Вилоятнинг фанлар бўйича тест имтиҳонидан энг юқори натижа кўрсатган мактаблари таҳлил этилди. Ғузор туманидаги 53 мактаб ўқувчилари биологиядан 58,33%, кимёдан 61,51%, Яккабоғ туманидаги 13 мактаб ўқувчилари физикадан 64,29%, 35-мактаб ўқувчилари математикадан 61,11% самарадорлик кўрсатганлар. Шу мактабларда кўрсатилган фанлар бўйича пухта билим берилганлигига ишониш мумкин. Бундай тажриба вилоятда ўрганилиши ва тажриба омалаштирилиши зарур.

Вилоятнинг кўпгина мактабларидан тестда қатнашган ўқувчилар паст натижага эришганликларини ҳам қайд этиш зарур. Бу мактаблардан тестда кам ўқувчи қатнашган ва тест топшириқларини еча олмаганлар. Демак, таълим сифати талаб даражасида юқори бўлмаган, тестга тайёрлаш, касб йўналиши ишлари етарлича олиб борилмаган.

Вилоятнинг 80 дан ортиқ мактабидан тестда қатнашган 723 абитуриентдан бирортаси ўқишга кириш учун зарур бўлган балли тўплай олмаган. Шахрисабз туманидан 123 та, Чирокчидан 85 та, Яккабоғдан 91 та, Косондан 84 та абитуриент тестда қатнашиб, бирортаси ҳам ўқишга кира олмаган.

Аттестати бўйича юқори баҳога эга бўлган абитуриентларнинг тест натижалари ўрганилди. Вилоят бўйича 645 та абитуриентларнинг аттестатдаги ўртача баҳоси "4" дан юқори бўлган. Уларнинг кўпчилиги тестда юқори баҳо олиб, республиканинг энг нуфузли ўқув юртларига давлат гранти бўйича қабул этилган. Уларнинг бир қисми ҳақидаги маълумот куйида келтирилган.

(Ижобий ҳол)

Т.р	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Қарши шаҳри	23	5	224,6

2.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Қарши тумани	12	4,8	214
3.	Ўзбекистон миллий университети	Китоб тумани	2	4,6	211,5
4.	Ўзбекистон миллий университети	Китоб тумани	2	4,8	210,5
5.	Тошкент давлат техника университети	Қамаши тумани	1	5	209,7
6.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Қарши шаҳри	9	5	208,5
7.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Шахрисабз тумани	3	5	206,6
8.	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Яккабоғ тумани	2	4,6	206,2
9.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Қамаши тумани	3	4,8	204,1
10.	Тошкент давлат иқтисодиёт университети	Яккабоғ тумани	16	4,5	203,1
11.	Тошкент Ислон университети	Қарши шаҳри	15	4,9	201,9
12.	Ўзбекистон миллий университети	Қарши тумани	44	5	201,9
13.	Қарши давлат университети	Шахрисабз тумани	88	4,1	201,8

Аттестат бўйича ўртача баҳоси "4" дан юқори бўлган абитуриентларнинг маълум қисми тестда жуда паст натижага эришган. Баҳо қўйишдаги эътиборсизлик, дарс ўқитиш сифатининг пастлиги, абитуриентларнинг касб танлаш ва тестга тайёрланишдаги хато ва камчиликлар шундай оқибатга олиб келгандир. Куйида шундай абитуриентларнинг маълум қисми ҳақидаги маълумот келтирилган.

(Салбий ҳол)

Т.р	Тестда қатнашган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Қарши давлат университети	Нишон тумани	21	4,5	20,1
2.	Қарши давлат университети	Қамаши тумани	27	4,3	21,2
3.	Тошкент давлат техника университети	Муборак тумани	22	4,5	21,2
4.	Қарши давлат университети	Касби тумани	11	4,6	22
5.	Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти	Қарши шаҳри	34	4,5	22,2
6.	Қарши давлат университети	Касби тумани	10	4,3	22,2
7.	Қарши давлат университети	Қарши шаҳри	7	4,3	22,2
8.	Самарқанд қишлоқ хўжалик институти	Чирокчи тумани	167	4,1	22,2
9.	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти	Косон тумани	1	4,5	22,8
10.	Тошкент автомобиль-йўллари институти	Чирокчи тумани	45	4,1	23,1
11.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислари институти	Деҳқонобод тумани	37	4,8	23,5
12.	Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти	Шахрисабз тумани	17	4,6	24,2
13.	Қарши давлат университети	Яккабоғ тумани	8	4,5	24,2
14.	Қарши давлат университети	Шахрисабз тумани	8	4,2	24,2
15.	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси муҳандислари институти	Шахрисабз тумани	100	4,3	24,3

Аттестат бали 4,5 ва ундан юқори бўлиб, тестда асосий фан (1-блок) дан 25 ва ундан кўп тўғри жавоб берган вилоятнинг иқтидорли абитуриентлари ўрганилди. Бундай абитуриентлар Китоб, Яккабоғ туманларида кўп эканлиги, Муборак, У.Юсупов, Баҳористон туманларида эса жуда озчиликни ташкил этиши аниқланди.

Аттестат бали 4,5 ва ундан юқори бўлиб, тестда асосий фан (1-блок) дан 9 ва ундан кам тўғри жавоб берган вилоятнинг абитуриентлари ҳам ўрганилди. Бундай абитуриентлар Яккабоғ, Шахрисабз туманларида кўп эканлиги аниқланди.

Кўриниб турибдики, вилоят бўйича абитуриентларни тестга тайёрлашда маълум ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжуд. Вилоятда таълим жараёнини мукамаллаштириш, янги технологияларни таълимга жорий этиш, касб танлаш ва тест технологиясига ўргатиш ишларини олиб бориш зарур. Тест натижаларини таҳлил этиш ва шу асосда таълим сифатини янги босқичга кўтариш керак.

М.МУҲИТДИНОВ,
Давлат тест маркази директори

ЭЪТИРОФ

Комил ЮСУПОВ, Халқаро кураш Ассоциацияси президенти:

— Ўзбек курашини жаҳонга олиб чиққанамизга кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин унинг жойларда тарғиб қилинишининг натижаларини сарҳисоб қилсак, анчагина ютуққа эришганимизни кўрамиз. Айниқса, "Умид ниҳоллари" мусобақаларига курашнинг ҳам алоҳида тур сифатида киритилиши айни муддаодир. Ўзбек курашини "Ўзбекман" деган ҳар бир киши тарғиб-ташвиқ қилиши керак. Ассоциация президенти сифатида шуни айтманки, курашни нафақат мусобақаларга киритиши, балки уни мактаблардаги жисмоний тарбия дарсларига ҳам киритиб, болаларнинг онгига сингдиришимиз керак. Энг муҳими, курашни жаҳонда тан олдиришда ёшлар масъул эканлигини унутмаслигимиз керак.


**Набиль Эл-ЛАКХАМ, Фаластиннинг Ўзбекистондаги элчиси:**

Мен элчи лавозимда 20 йилдан бери фаолият олиб бормоқдаман. Бу давр мобайнида Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ва ижобий ўзгаришларни шу жумладан, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида олиб борилаётган катта ўзгаришларни яқиндан кузатиб бораётирман. Ўзбекистонда спортга давлат даражасида катта аҳамият берилмоқда. Чунки спорт мамлакатларни жаҳонга танитишда, халқлар ва давлатлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда, шунингдек, соғлом авлод тарбиясида муҳим восита ҳисобланади.

Спорт ва жисмоний тарбияга берилгани сингари спортчиларга ҳам давлат томонидан катта аҳамият берилиб, уларга ҳам моддий ҳамда маънавий кўмак кўрсатилмоқда. Ва янги-янги натижаларга эришишлари учун керакли имкониятлар яратиб берилаяпти. Бундан

бевосита ўзим ҳам гувоҳ бўлмоқдаман. Ўзбекистон спортининг янада равнақ топишига, ўзбек спортчиларининг халқаро мусобақаларда катта муваффақиятларга эришишига ишонман.

Чунки Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва соғлом ҳаёт тарзи болалар боғчасидан бошланиб институтгача ўтилади. Юқори даражадаги соғлиқни сақлашга қаратилган махсус машқлар, спорт ўйинлари кўп бўлмоқда. Халқ орасида ҳам жисмоний машқлар ва соғлом ҳаётга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.


**Жаноб МАНИШ, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби:**

—Ўзбекистон мустақил давлат бўлган кунидан бошлаб мамлакатда спортнинг ривожланиб боришини кузатиш мумкин. Ўзбекистон Халқаро Олимпия Кўмитасининг фаол аъзоси, халқаро спорт мусобақаси иштирокчиси ва ташкилотчиси бўлиб қолди. Мамлакатда мунтазам равишда олиб борилаётган теннис бўйича аёллар орасида "Челленжер" кубоги ва бошқа кўпгина халқаро спорт тадбирларини ташкил этишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўзбекистон халқаро майдонда футбол, теннис, бокс, волейбол, кичик теннис, дзюдо, турли шарқ кураш турларида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўзбек миллий кураши ҳам халқаро даражага чиқди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари узок ўтмиш-

дан буён кенг қамровли алоқаларга эга. Ушбу тарихий муносабатларимиз спорт соҳасида ҳам амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бундай алоқаларга жуда кўп мисоллар келтиришимиз мумкин. Ҳиндистонда турли спорт турлари бўйича Ўзбекистонлик мураббийлар бизнинг спортчиларга сабоқ бераётдилар. Шу кунларда Халқаро Кураш Федерацияси раҳбари жаноб Комил Юсуповнинг Деҳлига ташрифи ва 2003 йил март ойида Ҳиндистонда кураш бўйича халқаро мусобақа ўтказиш ҳақида имзоланган келишув ҳам юқорида зикр этилган фикримизнинг яна бир далилидир.

Икки мамлакатни асрлар оша улкан илиқлик ва ўзаро тушуниш билан боғлаб турган алоқаларимиз келажакда янада ривожланишига ишонамиз.

**Акобир ҚУРБОНОВ, кураш бўйича жаҳон чемпиони:**

— Таълим тизимида спортни ташвиқ қилишнинг яхши йўналиши йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчилари "Умид ниҳоллари"да, лицей ва коллеж ўқувчилари "Баркамол авлод" да, олий ўқув юртлари талабалари "Универсиада" мусобақаларида ўзларининг имкониятларини синаб кўришади. Бинобарин, бир-бирдан ажралмас бу мусобақалар бир-бирини уйғунлаштириб боради. Бундан кўриниб турибдики, таълим олаётган ҳар қандай ўқувчи-талабалар мусобақалардан четда қолиб кетмайди. Менимча, бунда "Умид ниҳоллари"нинг ўзига хос ўрни бор.

**Нурхон НАФАСОВ, Ўзбекистон Миллий Каратэ федерациясининг президенти:**

— Спортга каттаю кичик барча бирдай қизиқади. Бонси, у инсонни жисмонан чиниқтиради ҳамда руҳий ва маънавий озуқа беради. Шунинг учун мамлакатимизда кейинги йилларда спортнинг оммавийлиги, ҳаёт тарзимизга чуқурроқ кириб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган тадбирлар, турли-туман оммавий мусобақалар кўлами йилдан-йилга кенгайиб янги-янги шакл, мазмун касб этаётгани фикримнинг ёрқин далилидир. Айниқса, мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари гоят аҳамиятга молик тадбирдир. Чунки унинг самарасини келажакда эмас ҳатто ҳозир ҳам кўрмоқдамиз. Бу ўйинлар бизга истеъдодларни саралаб бермоқда. Бундан ташқари у ёшларни рағбатлантиришнинг энг муқобил йўли ҳамдир.

Режеп КАРАГЎЗЛУ, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот Атташеси:

—Охириги пайтларда Ўзбекистон спорт соҳасида, халқаро мусобақаларда ва спортчиларни тайёрлаш борасида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Ўзбек спортчилари халқаро олимпиада ва мусобақаларда фаол иштирок этмоқда, Ўзбек курашининг халқаро даражага чиқарилиши, теннис бўйича Президент Кубоги, Тошкент Опен каби бошқа муҳим мусобақаларнинг ўтказилиши, янги спорт мажмуаларининг қурилиши, ёшларнинг спортга бўлган муносабатини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида "Универсиада", "Баркамол авлод", "Умид ни-



ҳоллари" сингари тадбирларнинг ўтказилиши спортга қанчалик жиддий ва катта аҳамият берилаётгандан далолатдир. Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ирода

Тўлаганова, Олег Огородов, Вадим Куценко, Тоштемир Муҳаммадиев сингари спортчилар Ўзбекистон байрогини жаҳон спорт майдонларида баланд кўтармоқдалар. Бундан ташқари каратэ, таэквандо, сузиш, энгил атлетика, огир атлетика, бадий гимнастика ва фигурали учуш сингари бошқа спорт турларида ҳам ўзбек спортчилари халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори поғоналарни забт этишмоқда. Ирода Тўлаганованинг халқаро мусобақалардаги иштирокини ва футбол бўйича ўтказилган мусобақаларда Ўзбекистон жамоалари учрашувларини катта қизиқиш билан доимо кузатиб борман.

Дилшод ОРИПОВ, Юнон-Рим кураши бўйича жаҳон чемпиони:

— Соғлом одамгина, соғлом фикрлайди. Ана шундан келиб чиқадиган бўлса ҳам жисмонан, ҳам ақлан етук авлод Ватаннинг келажаги учун қайғуради.



Ҳозирда мактаб ўқувчиларининг юртга бўлган муҳаббатини спорт орқали ҳам шакллантирсак, фойдадан ҳоли бўлмайди. Биз ўқиган даврларда ўқувчиларга бунчалик эътибор берилмасди. Хатто спортга қизиқадиганларни рағбатлантиришга ҳеч ким эътибор қилмаган. Ҳозир эса ҳар бир ўқувчига йўл-йўриқ кўрсатилиб, спорт ўйинлари уюштирилмоқда. Муҳими, Ватан доврғини жаҳонга ёйишда ҳам спорт ўйинлари муҳим ўрин тутди. Буни ҳар бир ёш ўз қалбида ҳис қилишини шакллантиришимиз керак.

Руфат РИСКҲИЕВ, Бокс бўйича жаҳон чемпиони:

— Мактаб ўқувчиларининг спорт ўйинларига яхши ниятлар билан бежизга "Умид ниҳоллари" дея ном қўйилмаган. Чунки бу спорт турларида ўзини синаб кўраётган ўқувчилар спортга эндигина қадам қўяётган ёшлардир. Биз уларни ниҳолдек авайлашимиз керак. Ушбу мусобақаларга спортнинг 11 тури қамраб олинган. Булар жаҳонда оммалашган спорт турларидир, десам сира янглишмайман. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фарзандларимизга давлат сибсати даражасида муносабатда бўлинмоқда. Шундай экан, истеъдодлар — эл бойлиги бўлиб бораверади.

Беҳруз ИСМАТУЛЛАЕВ, Каратэ бўйича жаҳон чемпиони (мактаб ўқувчиси):

—Спорт билан шуғулланиш болалиқдан бошланса, яхши самара бериши сир эмас. Мактаб ўқувчилари ҳозирдан чиниқтирилиб борилса, яхши бўлади. Мусобақани кузатиб борган ҳар бир бола ўзига хулоса чиқаради. Шунинг натижасида ўқувчи ўз йўлини ҳам англаб олади. "Умид ниҳоллари" мусобақаларида эришаётган мактаб ўқувчиларининг муваффақиятлари келажакда спортнинг ривожланишида пойдевор бўлиши билан бирга, соғлом авлодни шакллантиришга ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

София КОС-ПҰЛАТОВА, каратэ бўйича жаҳон чемпиони:

—Бу мусобақаларда ўғил болалар билан бир қаторда қизларнинг ҳам қатнашиши қувонарли ҳол. Чунки қизлар ҳам барча спорт турларида ўзларини синаб кўрадилар. Мусобақани четдан кузатиб туриб, ўз тенгдошларимга берилаётган имкониятлардан хурсанд бўламан. Айниқса, биз ёшларга берилаётган ишонччи оқлашамиз керак.



Шерзод АҲМАТОВ, Жамшид ШАРИПОВ тайёрлади.

КАДРЛИ “УМИД НИХОЛЛАРИ”

СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ!

Барчангизни умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг спорт байрами дея эътироф этилаётган мусобақанинг Республика босқичига эришган муваффақиятларингиз билан самимий муборакбод этамиз. “Умид ниҳоллари” орқали сизнинг тимсолингизда Алпомишу Барчинойларнинг намоён бўлгани, ўсиб келаётган ёш авлод соғлом, бақувват бўлиб вояга етаётгани яна бир бор ўз тасдиғини топди.



Ўзбекистон бўйлаб кенг қулоч ёйган, ҳар бир мактаб ўқувчисини ўзига жалб этган “Умид ниҳоллари” беллашувларининг сўнгги—финал босқичида ҳар бирингизга муваффақият ёр бўлсин!

Республика Таълим Маркази жамоаси

МУСОБАҚАЛАР ИҚТИДОРЛАРНИ КАШФ ЭТАДИ

**Курашиб эришилмаган
галаба галаба эмас.**

Бирликсиз куч бўлмас.

Дўстлик синовда чиниқади.

Амир Темура ўғитлари

зияда қандай ўйнаган бўлсам, "Умид ниҳоллари"нинг бўлиб ўтган уч босқичида ҳам худди шу савияда ўйнадим. Ҳатто, оддий, ҳали профессионал даражага етмаган тенгдошларим мени доводиратиб қўйишди. Ўйлаб қолдим, бу мусобақалар яшириниб турган захирамиздаги спортчиларни аниқлаб бериши, шубҳасиз.

Жаҳонгир Раджиев эса шундай дейди:

— Олти йилдан бери катта тен-

Кишининг жисмоний ҳаракати ўз таъсир кучига кўра деярли ҳар қандай дори ўрнини боса олади, бироқ жаҳондаги барча шифобахш воситалар биргаликда жисмоний ҳаракатлар ўрнини боса олмайди.

**ТИССОР (француз шифокори,
XVIII аср)**

Фарғонада бўлиб ўтадиган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида ҳар тарафлама етук ўқувчилар иштирок этишади. Республика босқичида қатнашиш уларнинг зиммасига ҳам шараф, ҳам масъулият, ҳам имконият ҳиссини юклайди. Ҳамма голиб бўлиш истагида. Ана шундай иштирокчилардан бўлмиш Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидан катта теннис бўйича шаҳар босқичида голиб бўлган Дия Саидхўжаева ва Жаҳонгир Раджиевлар билан суҳбатлашдик.

— Мен оддий бир иштирокчи сифатида "Умид ниҳоллари" келажак учун кўп нарса беради, деб айта оламан, — деди Д.Саидхўжаева. — Чунки МДХ давлатлари, Ҳиндистон ва куни кеча қайтиб келганим Малай-



нисда ўйнаб, турли турнирларда иштирок этдимки, бунда мураббийларимнинг ҳиссаси катта. Албатта, теннис деса ҳамманинг кўз олдига Юнусобод кортлари жонланади. У ерда эндигина қўлига ракетка тутиб, майдонда ўзини бошқариб қолган болакайларгача эътибордан четда қолмайди. Шунинг учун ҳам "Умид ниҳоллари"да юнусободлик ёш теннисчиларнинг илғорлигини сездим.

Ҳақиқатан ҳам айна мусобақанинг иштирокчи ҳамда кузатувчиларидан ижобий фикрлар эшитиш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, бу мусобақаларга ота-оналар ҳам бефарқ қараб туришгани йўқ. Фарзандлари эришган ҳар бир ютуқларга қувонч бағишламоқда.

ИЛК ҒАЛАБА — ДУНЁГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Ҳозирги кунда республикамизда спорт тизимининг тобора юксалаётганлиги бежиз эмас. Чунки спорт давлат довуғини тез ва соз дунёга таратувчи соҳалардан бири саналади ва қолаверса, инсон саломатлиги учун ҳам кони фойда. Ёш спорт-

Саидали Аҳмедов, 1985 йилда туғилган. Венгриянинг Будапешт шаҳрида ўтказилади-ган "Санта Клаус" халқаро очик чемпионатининг икки марта каратэ-до йўналиши бўйича 1-ўрин соҳиби. Италиянинг Милан шаҳрида бўлган Европа чемпионатида 2-ўрин, Швейцариядаги жаҳон чемпионатида совриндор... бу каби рўйхатни яна давом эттириш мумкин, аммо камтаргина бу йигитнинг, спортчи камсуқум бўлгани яхши-да, дегани ўзига ярашди.

— Ҳали 9 ёшли бола эдим. Каратэ-до билан дадамнинг қизиқтиришлари орқали шуғулланар эдим, лекин унинг масъулиятларини унчалик ҳис қилмас эдим. Каратэ-до ва катадан ўз вазним бўйича чемпион бўлган эдим. Хуллас, Венгрия давлатига боришимизни мураббийимиз ҳар доим такрорлар ва шуғулланишимиз даражасини ҳам кучайтирарди. Ва ниҳоят самолётга чиқаётганимизда дадам: "Сен ўзбекининг боласисан" деганларича мени кузатиб қолдилар. У ердаги жангларида эса Эрнест Кеннеди, Уильям Чарлстон, Жозеф Кастилио,

Владис Херарди каби рақибларимнинг курагини ерга текказиб, совриндорлар супасига кўтарилган чоғимда, "Ўзбекистон" сўзи янграганида беихтиёр биз билан бирга борган ўртоқларимни, акаларимни излай бошладим. Қарасам, уларнинг кўзларида йилтиллаган ёш. Ўзим билмаган ҳолда кўзларим-

даги намдан рухланиб, "Ўзбекистон, Ўзбекистон" дея акаларимга қўшилиб бақиравердим. У пайтда ёш бола эдим, мана, ақлимни таниб, бу ҳис нима эканлигини тушуниб бораёпман. Агар халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўраётган бўлсам, "Ўзим учун, ота-онам учун ва энг аввало Ватаним учун" деб интиламан.

Алишер Эфандиев, 1984 йилда туғилган. Спортнинг муай-тай (Таиланд бокси) йўналиши бўйича 5 йилдан бери профессионал даражада кураш олиб бормоқда. Тошкентдаги "Соғлом авлод йили"га бағишланган турнирда, Самарқанд, Андижон, Фарғонада ўтказилган очик чемпионат ва турнирларда 1-ўрин, МДХ давлатлари, хусусан, Қозоғистон Республикаси кубогида икки марта фахрли ўринлар совриндори бўлган.

— Ҳар доим мени спортга етаклаб кирган мураббийим Физулин Алиевдан миннатдор бўламан. Чунки 2-синфлар ўртасида "тўполончи" деб ном қозонганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Спорт клубига келдим, бошқа одамга айландим-қолдим. Олдинлари бўш вақтимни қандай ўтказсам экан, деб турли хил "кашфиётлар" ўйлаб топардим. Кейин эса машғуллардан келмайдиган бўлиб қолдим. Очиғини айтаман, муай-тай йўналиши спортнинг анчагина оғир турларидан. Шундай бўлишига қарамасдан, спортнинг қайси тури бўлишидан қатъий назар, барибир спорт одамни жисмонан соғлом қилади.

"Умид ниҳоллари" мусобақа-

ларининг уюштирилиши энди спортга кириб келаётган болаларга бир мактаб бўлади. Спорт омманинг кўз ўнгида кўрсатиладиган санъат. Ҳар қанча қилингандаям майдонда кучлининг кўкраги баланд бўлади.

Саидлазиз Бурхонов, 1985 йилда туғилган. 40 га яқин турли тоифадаги медаллар соҳиби. 4 марта Ўзбекистон чемпиони, 5 марта Ўзбекистон кубоги чемпиони, 11 ёшлилар ўртасида Осиё чемпиони, МДХ давлатлари ва Киев чемпионатида голиб, Венгриядаги жаҳон чемпионатида 1-ўрин, 2000 йил Малайзиядаги Очик чемпионат совриндори...

— 6 ёшлигимда мактабимизда мусобақа бўлган эди. Ўшанда 1-синфлар ўртасида биринчи бўлиб стадионни айланиб чиққаним учун менга Фахрий ёрлик беришганди. Хурсанд бўлиб дадамга кўрсатганимда, дадам, спортчи бўласанми, деб сўрадилар. Кейин етаклаб "Азамат—Карим" клубига олиб бордилар-да, устозим Хўжамқул Хўжакуловга топширдилар. Бошида бормайман, деб хархаша ҳам қилардим. Чунки талабчан мураббийим машғуллардан 1 дақиқа ҳам эрта қўйиб юбормасди. Бир йилдан сўнг мусобақаларда қатнаша бошлаб, голиб-

ликни қўлга киритганимдан сўнг, мактабдаги ўқитувчиларим ҳам, синфдошларим ҳам мени хурмат қила бошлашди.

— Ҳали мактабни битирмасданок шунча натижаларга эришдим деган ўй қониқш ҳиссини уйғотмаётими?

— Нега энди, одам қанчалик олдинга борса, яна шунча интилаверади. 2004 йил Грециянинг Афина шаҳрида бўлиб ўтадиган



олимпия чемпионатида чемпион бўлиш ҳар бир каратэ-дочининг, қолаверса, барча спортчининг орзуси. Ҳозирда ҳаракатларимни шу мақсадга йўналтирганман.

Мана шундай болаларча сўзлаб берадиган ҳикоялари кўп бу спортчиларнинг. Дунёга Ўзбекистон номидан чиқаётганликлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бугун бошланажак "Умид ниҳоллари"дан ҳам худди шундай спортчилар етишиб чиқишига умид қиламиз.

Насиба ЭРХОНОВА



чиларимиз эришаётган ҳар қандай ютуқ ва натижалар ҳам хурсандчилик билан кутиб олинапти. Худди шундай, ҳали мактаб ёки лицейларда ўқиш давридаёқ жаҳон ареналарида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз билан суҳбатлашдикки, уларнинг барчаси ҳақиқий спорт фарзандларидир.

Термиз Давлат университети ректорати ва жамоаси



“Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари иштирокчиларини ушбу спорт байрами билан муборакбод этади ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан, хусусан, Сурхондарё вилоятидан ташриф буюрган ёш спортчиларга зафарлар ёр бўлишини, мамлакатимиз спортини дунё миқёсига олиб чиқишда ҳамиша муваффақиятлар ҳамроҳ бўлишини тилаб қолишади. Спортчиларимизга нафақат спортда, балки ҳаётда ҳам омад ва бахт ёр бўлсин!



Сурхондарё политехника институтига жамоаси

мамлакатимизнинг энг ёш спортчиларини спорт байрами билан қизгин қутлайди ва уларнинг барчасига мусобақаларда муваффақиятлар тилайди.

“УМИД НИҲОЛЛАРИ”

мусобақалари – бўлажак спорт юлдузлари беллашуви ва соғлом ҳаёт тарғиботидир.





“TADBIKOR”




AKSIONER-TIJORAT BANKI

Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг
“Умид ниҳоллари” республика мусобақасининг
азиз иштирокчилари, Сизларни бу жўшқин анжуман
билан муборакбод этишдан мамнунмиз!
Бу — муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимизда
баркамол ёш авлодни тарбиялаш гоёси йўлидаги
меҳнатларининг самарасидир!

Жисмонан бақувват, руҳан тетик, баркамол ёшлар
Ватанимиз келажагидир!

Мардона беллашувларда барчангизга
куч-қувват, ғайрат, хуш кайфият тилаб қоламиз!



Ўзбекистон Республикаси акционер-тижорат “Тадбиркор” банки
2002 йил “Қарияларни қадрлаш йили”
муносабати билан “Нуроний” деб номланган янги муддатли омонат
тури бўйича мижозларга хизмат кўрсатишни давом эттирмоқда.
Ушбу омонатнинг муддати бир йил бўлиб, йиллик 40 фоиз тўлови амалга
оширилади.

Фуқаролар ушбу омонатга маблағ қўйсалар, фоиз тўловини ҳар чоракда
олиш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, банкимиз Сиз азизларга қуйидаги омонат турлари ва йиллик фоиз
тўловлари бўйича ҳам чекланмаган миқдорда хизмат кўрсатади:

- Йўқлаб олинадиган омонат тури бўйича йиллик 10 фоиз;
- Олти ойлик муддатга бўлган омонат бўйича йиллик 35 фоиз;
- Бир йил муддатга бўлган омонат бўйича йиллик 40 фоиз;
- Уч йил муддатга бўлган омонат бўйича йиллик 60 фоиз;
- Олти ой муддатга бўлган “Тадбиркор” муддатли-мақсадли
омонат тури бўйича йиллик 35 фоиз, бошланғич маблағ
миқдори 5000 сўмдан кам бўлмаслиги керак. Бу омонат
бўйича фоиз тўлови маблағ қўйган куни ёки мижознинг
талаби билан тўлаб берилади;
- Уч йил муддатга бўлган “Соғлом авлод” омонат тури бўйича йиллик 60 фоиз;



- “Болажон” муддатли мақсадли омонат тури
уч йил муддатга йиллик 24 фоиз, бошланғич маблағ
миқдори 10000 сўмдан кам бўлмаслиги керак
(капитализация қилинади).
- “Хирмон” муддатли мақсадли омонат тури
бир йил муддатга йиллик 35 фоиз, бошланғич
мблағ миқдори 10000 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

*“Тадбиркорбанк” - Сиз учун энг ишончли шерик!
Имкониятни қўлдан бой берманг!*

Маълумот учун телефонлар: 133-18-75, 133-76-36

Ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ муносабатлар дастлаб мамлакатимизда 1991 йил 14 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан тартибга солинган. Мазкур қонунга **2000 йил 26 майда** бир қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланди. Бугунги кунда қонуннинг ана шу янги таҳриридагиси — амалда.

Қонун 31 моддадан иборат бўлиб, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди. Қонуннинг **асосий ва-**

амалга оширишда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги, тенглиги, ўзаро манфаатдорлиги, камситиш (ўзининг устунлик мавқеини суистеъмол қилмаслик)ларга йўл қўйилмаслиги, ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши каби **принципларга** асосланилади.

Ташқи иқтисодий фаолият **субъектлари** фаолиятни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Улар ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш шакллари ни мустақил белгилаш, ўз хоҳишига кўра, бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида жалб қилиш, фаолият

Қонун ва фуқаро

вофиқ ташқи иқтисодий фаолият соҳасида жавоб чораларини киритишга ҳақлидир.

Айни вақтда ташқи иқтисодий фаолият субъектлари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни қонунларда белгиланган тартибда тақдим этиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилатган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб қўйилган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим эти-

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНИШДА

Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Матбуот шўъбаси ва Тошкент шаҳридаги қатор мактаб ўқувчилари орасида "Аҳромотлар юртига саёҳат" мавзуида ўтказилган танлов-мусобақа якунланди. Миср давлатининг Матбуот шўъбаси ўтказган бу галги танловнинг биринчи босқичида 16 та мактаб ўқувчилари ўзаро беллашган бўлсалар, унинг учинчи турига фақат 8 та мактаб ўқувчиларига етиб кела олдилар. Танловда биринчи ўрин Акмал Икромов туманидаги 107-мактаб ўқувчиларига насиб этди. Иккинчи ўринни Миробод туманидаги 210-мактаб ўқувчиларидан иборат гуруҳ эгаллади. Учунчи ўринга эса Юнусобод туманидаги 146- ва Ҳамза тумани 307-мактаб ўқувчилари муносиб деб топилдилар.

Танлов ғолибларининг ҳар бири фотоаппарат, магнитолеер,

Tanlov



ҳисоблаш машинаси билан жиҳозланган ўқув қуроллари сингари мукофотлар билан сийланишди. Томошабинлар сафидан чиққан ғолиблар ҳам, фаол устоз-ўқитувчилар, ҳатто ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳам мусобақа ташкилотчилари назаридан четда қолмасдан, муносиб тақдирландилар.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида сўз олган Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси раиси, маслаҳатчи Раъфат Ас-Сабъа бу мусобақада иштирок этган ўрта синф ўқувчилари ҳали ёш бўлишларига қарамай қадимий ва ҳамиша навқирон Миср, унинг ўтмиши ва бугунги кунини ҳақида жуда кўп маълумотларга эга эканлигидан мамнунлигини изҳор этди.

Шунингдек, бу тантаналарда Мисрнинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Жамил Фойид ҳамда "Ўзбекистон-Миср" дўстлик жамияти раиси, академик Нейматулла Иброҳимовларга ҳам сўз берилди. Улар икки мамлакат, икки биродар халқ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, уни янада кенгайтириш, бир-бири билан яқиндан танишишда бу сингари тадбирларнинг ўрни беқиёс эканлиги ҳақида тўхталдилар.

МУХБИРИМИЗ

Суратда: тақдирлаш маросимидан лавҳа акс этган.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

8-мақола

зифаси ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратишдир.

Қонунга кўра, **ташқи иқтисодий фаолият** — Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдаланиш, иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятдир. **Субъектлари** — Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар ва яқка тадбиркор жисмоний шахслар, баъзан Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари ҳам бўлиши мумкин. **Объектлари** — ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланилиши тақиқланмаган товарлар, ишлар, хизматлар, шунингдек, қимматли қоғозлар, транспорт воситалари, интеллектуал фаолият натижалари бўлиши мумкин.

Ташқи иқтисодий фаолиятни

натижаларига, жумладан, миллий ва чет эл валютасидаги даромадига қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларига, шунингдек, ахборот олиш эркинлигига эга. Давлат ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланишини **кафолатлайди**. Шунга кўра, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонуний фаолиятига аралашшига ҳақли эмас. Давлат органлари уларнинг ҳуқуқларини бузувчи ҳужжатлар қабул қилган тақдирда етказилган зарарнинг ўрни қопланади (қонунга кўра, мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишчи ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлигидир). Яна шуниси муҳимки, хорижий давлат Ўзбекистон Республикасининг ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатларини бузувчи чоралар қабул қилганда, шунингдек, ушбу давлат халқаро шартномаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган норма ва принципларига му-

вофиқ шарт. Белгиланган талабларга мос келмайдиган, қонунларда назарда тутилган ҳолларда тегишли сертификатга, маркировкага мувофиқлик белгисига эга бўлмаган товарларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш тақиқланади. Шунингдек, миллий хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар ҳаёти ва соғлигини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Республикаси халқининг маданий меросини сақлаш, маданий бойликлари ноқонуний олиб чиқиш, олиб кириш ва уларга бўлган мулк ҳуқуқларини бошқага ўтказишда ҳимоя қилиш, тиклаб бўлмайдиган табиий ресурслар тугатишининг олдини олиш каби мақсадларни кўзлаб, товарлар экспорти, импорти тақиқланиши ёки чекланиши ҳам мумкин.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси ўртасидаги нисбат ҳақида тўхталиб шунини айтиш мумкинки, устуворлик халқаро шартнома қоидаларидадир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун ислохотларни ҳуқуқий таъминлашда фаол хизмат қилмоқда.

Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА

НУТҚ ҲАҚИДА ТАЗАВВИҚЛАШДА ТАЗАВВИҚЛАШНИНГ ҲАҚИДА

Она тили дарсларида ўқувчи нутқини ўстириш унинг ёзиш саводхонлигини оширишда, бола дунёқарашини шакллантиришда асосий манба ҳисобланади. Она тили ва адабиёти фани дарсларини ташкил этишда бола психологиясидан келиб чиққан ҳолда болаларбоп халқ оғзаки ижодига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки эртақ, мақол, топишмоқ, ибратли сўзлар, ҳикматли ҳикоялар, тез айтишлар ва бошқалар бола тарбиясида ўзига хос аҳамиятга эга.

Тез айтиш бола нутқини равон қилиш билан бирга талаффузидаги айрим нутқ товушларининг кўп қайтарилиши ёки товушларнинг сўз ва иборалар таркибида жойлашининг мураккаблигига асосланади. Халқ орасида тез айтишнинг "тутал", "чалғитув", "чалғиш" каби номлари ҳам бор. Лекин бу фольклористик термин сифатида тез айтиш деб юритилади.

Тез айтишда маълум фонемалар (кўпинча жарангли ундошлар) такрорланади. Чунки болалар ундошлар талаффузида қийинчиликларга дуч келишади. "Р" — титроқ товуши "й", "л" тарзида "с" — "ш" тарзида, "г" — "к" шаклида талаффуз қилинади. Зеро, тез айтишлар нутқи заиф болаларнинг нутқини шакллантиришда, бола талаффузини тўғрилашга, қолаверса, сўз бойлигини маълум маънода кенгайтиришга яхши имкондир.

Дарс жараёнида баъзан тўғрақ машғулотларида ўқувчилар тез айтишдан фойдаланиш учун ҳарфлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, "с" ундош ҳарфига оид куйидаги тез айтиш: Сурайё Суюмага сумалак суздирдими, сумалакни Суюма Сурайёга суздирдими? Бу тез айтишда бола "с"ни тез талаффуз қилиш жараёнида маълум қийинчиликларга дуч келади.

Sinab ko'ring

"Р" фонемасидаги тез айтишда ҳам ўқувчи "р"ни "й" шаклида талаффуз қилиши кузатиладиган: Рашид Рашиддиннинг рақибими, Рашиддин Рашиднинг рақибими? Баъзан оҳангдош сўзлар ҳам нутқ чалқашувини келтириб чиқаради: Нурилла Нарзуллани қақирдим, Нарзулла Нурилла деб бақирдим?

Тез айтишда унли товушларнинг ҳам ўз ўрни бор. Масалан, Ойдин ойдинда ойга боқдим, ой Ойдинга ойдинда боқдим? Тез айтишда содда гапдаги вазнодош ва оҳангдош сўзларнинг ёнма-ён келиши ҳам тез айтганда янглишишга, сўз шаклининг бузилишига олиб келади.

Юқорида келтирилган тез айтишлар тез ва осон айтилиши билан қизиқ. Лекин тез айтишнинг мураккаб турлари ҳам борки, бунда болаларнинг ёши, синфи, нутқи ҳам ҳисобга олинади. Келтирилган тез айтишларни 5, 6, 7-синфларда қўллаш мумкин. 8—9-синф ўқув-

чилари учун эса тез айтишнинг янада мураккаб туридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, яъни: Тяньшан тоғининг тагида тинимсиз тириллаб турган темир трактор Тоштемирникими, Тракторчи Тоштемирнинг трактори Тяньшан тоғининг тагида тинимсиз тириллаб турибдими...

Гапнинг индаллосини айтганда, тез айтишлар — болалар талаффузидаги нуқсонларни йўқотиш билан бирга ўқувчилар орасида ақл, сўзамоллик, чечанлик, вақтдан унумли фойдаланиш мусобақаси сифатида ўйин-кулгу, кўнгил очиш воситаси бўлиб, уларнинг тилга бўлган муносабатини оширишга хизмат қилади.

Дилбар НОРМУРОВА,
Термиз шаҳри Алишер Навоий
номидаги мактабнинг она
тили ва адабиёти
фани ўқитувчиси

СУЛОЛА ВАКИЛИ

Ш.Рашидов тумани халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари туман касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан туман мактабларида кўргазмали семинарлар ташкил қилиш анъанавий бўлиб бормоқда. Чунончи, яқинда 14-ўрта мактабда ўтказилган кўргазмали семинар "Таълим-тарбия жараёнида ноанъанавий дарс ўтиш услублари ҳамда ўқувчиларнинг маънавий онгини ўстиришда тадбирлар ўрни" деб аталди.

Ko'rgazmali seminar

Ийгилганлар бу долзарб мавзунинг мазкур мактабда бежиз ўтказилмаётганига амин бўлишди. Очик дарсларни М.Маматмусаева, Н. Тошматова, С.Азимова, Қ.Шукурова, Р.Муҳаммадиева, Ш.Исломова, Ф.Сағатова синга-

ОЧИК ДАРСЛАР ЎРНИ БЎЛАКЧА

ри устозлар маромига етказиб ўтганлари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Уларнинг самарали изланишлари натижасида Э.Абдуазимов, И.Туронова, С.Абиев, С.Маматов, О.Мирзаев сингари ўнлаб талантили ва иқтидорли ёшларнинг номи элга танилиб бормоқда. Асосийси, очик дарсларга нафақадан устозлар ҳам ташриф буюришди. Улар ўқитувчи маҳорати ошиб боришида очик дарсларнинг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлашди.

Кўргазмали семинар режасидан ўрин олган "Билимдонлар баҳси" ҳам ғоят қизғин тарзда ўтди. Унда 8-синф ўқувчилари М.Омонова, У.Исломоваларнинг қўли баланд келди.

Ўқувчилар чиқишларидан сўнг туман масжиди имомхатиби А.Суяровнинг "Диний оқим ва ёшлар" мавзусидаги маърузаси тингланди. Туман оқсоқоллар Кенгаши раиси Х.Шукуров, туман ҳоқими ўринбосари Э.Бобоновларнинг ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
журналист

Бир фозил донишманд "Инсон мансаб ила улуг ва мўътабар эмас, балки мансаб инсон заҳмати билан зийнатли" деган экан. Шу аснода касб-хунарлар ҳам ўз соҳибининг садоқати ила азизу мукарамм бўлади, десак ўринлидир.

Чортоқлик Мадаминжон Холиқовларнинг олти ўғил, икки қизидан бештаси, набираларидан тўрттаси чеварлик касбини санъат даражасига кўтариб келмоқда.

Дастлаб бу нозик соҳага ўзгача бир меҳр билан шоғирд бўлиб кирган оиланинг тўнғич ўғли Абдуллажон чевар-усталар сулоласининг ҳақли сардорига айланди.

— Бундан роппа-роса ўттиз йил аввал, — дейди Абдуллажон, — мактабдан етуқлик гувоҳномасини олгач, Чортоқдаги тикувчилик фабрикасига оддий ишчи бўлиб ишга кирдим. Бу даргоҳда Одилжон ака Бойдадаевдек билимдон устозимдан бичиш-тиқиш сирларини ўргандим. Шу-шу бу касбдан кўнглимни уза олмай келаяман.

Шоғирдлик мактабини сабрбардош билан ўтагани боис, у пишқи-пухта тикувчи бўлди. Сўнгра Намангандаги тикувчилик бирлашмасида тайёр маҳсулотлар сифати бўйича назоратчи бўлиб ишлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Наманган тўқимачилик техникумида тикув ишлаб-чиқариш бўйи-

ча техник-технолог мутахассислигини эгаллади.

Бу орада 1976 йилдан бошлаб Чортоқдаги собиқ 111-ХТБЮ, ҳозирги маиший хизмат касб-хунар коллежида оддий усталикка ўтди. Секин-аста бош уста, мана бир йил бўлдики, директорнинг ўқув-ишлаб чиқариш бўйича муовини даражасига кўтарилди.

Илм ва хунар уйғунлиги ишда юксак самара беришини яхши билган уста-чевар Абдуллажон Холиқов 1985 йили Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик инсти-

Ta'lim fidoyilari

тутини тугатиб ишлаб-чиқариш бўйича олий маълумотли муҳандис-технолог бўлди.

У яратган янги руҳдаги ўқув қўлланмаларидан жуда кўплаб билим юртларида мунтазам фойдаланилиб келинмоқда. Оқибатда ўзбекиона миллий кийим-кечаклар, каштачилик, сўзана тикиш каби соҳалар ўқув жараёнига жорий этилди.

Бу каби амалий-назарий изланишлар қутилган натижалар бераётганини кўрган вилоят ЎМКХТ бошқармаси раҳбарияти А.Холиқовни тизимдаги бош усталар шўъбаси бошлиғи лавозимига

тайинлади.

Абдуллажон бу масъулиятли жамоатчилик ишида ҳам ҳамкасбларига бир-бирдан мукамал, етуқ, амалда синовдан яхши ўтган 10 дан ортиқ режа, дастур ва тавсиялар берди.

— Ўзига хос мактаб яратган Абдуллажон ака Холиқов асос солган чевар-усталар сулоласи бизнинг фахримизга айланган, — дейди. Чортоқ маиший хизмат касб-хунар коллежи директори Маҳмуджон Турғунов. — Уларнинг ҳар биридаги илмга бўлган чексиз садоқат, юксак масъулият ҳисси ҳавасингизни келтиради.

Абдуллажоннинг укалари Абдуллаҳамид, Ўлмасхон, Маҳмуджон, келини Хафизахон ҳамда фарзандлари Моҳирахон, Асатилла, Анваржон, Холислар ҳам уста-чеварлик касбини тутганлар.

Сулола шарафини оқлаётган Ақромжон Холиқов ҳам мана ўн беш йилдан бери педагогика коллежида бош уста лавозимида ҳамкасбларига бош-қошлик қилмоқда.

Уста Холиқовлар қўлида таълим олиб, яхши тикувчи бўлган юзлаб собиқ талабаларни нафақат Наманган вилояти, балки кўшни Андижон, Фарғона вилоятларида ҳатто, Қирғизистон Республикаси маиший хизмат ишлаб чиқариш тизимларида ҳам учратиш мумкин.

Аскарлари МАМАТОВ



Америка киноакадемиясининг жаҳондаги энг эътиборли мукофоти — "Оскар" совринлари тақдим этилишидаги барча ҳаяжон ва кечинмалар босилиб бўлди. Бироқ, биз яна шу мавзуга қайтамиз. Негаки, танловнинг бош совринини қўлга киритган, мутлақ ғолиб бўлган асар — "Ақл ўйинлари" фильми ижодкорларидан бири ўзбек миллиятига мансуб! Шу сабаб у кўпчилик, айниқса, ўзбекистонликларда чинакам қизиқиш уйғотди. "Ақл ўйинлари" фильми Америкада таникли журналист, Колумбия университети профессори Зулфия Назарнинг шу номли китоби асосида суратга олинган. Отаси марғилонлик ўзбек, онаси немис аёли бўлган Зулфия санъат магистри даражасига Нью-Йорк университетида эришди. Иқтисодий таҳлил институтида илмий ходим, "Форчун" журналида мухбир, "Нью-Йорк Таймс" газетасида иқтисодий шарҳловчи бўлиб ишлади.

"Ақл ўйинлари" китоби 1998 йили чоп этилиб, бирда-

фия" йўналишида тақдим этилди. Асар финалгача етиб борди ва шунинг ўзиёқ улкан муваффақиятдир. Бундан ташқари китоб яна кўплаб совринлар, жумладан, АҚШ адабий танқидчилар миллий ассоциацияси мукофоти сазовор бўлди, бир қатор чет тилларга таржима қилинди. Англия, Франция, Испания, Голландия, Япония, Хитойда чоп этилди.

Китоб истеъдодли математик олим, Нобел мукофоти совриндори Жон Нэш ҳаёти ва фаолияти мисолида жар ёқасидаги ҳолатларда даҳолик ва телбалик ҳақида ҳикоя қилади. Китоб режиссёр Рон Ховарднинг шу номдаги киноасарига асос бўлди ва бу фильм 4 та "Оскар" соврини, жумладан, энг эътиборли йўналиш — "Энг яхши фильм учун", шунингдек, "Энг яхши мослаштирилган сценарий учун" бериладиган мукофотларга сазовор бўлди.

Бу ҳақдаги хабарни Америкада ижодий сафарда бўлганимда эшитдим. Ушанда, йил бошида Голливудда миллий киномукофот — "Олтин глобус"ни топшириш маросими бўлиб ўтди.

МАРҒИЛАОТ ПРОБАЕМДАТ "ОСКАР" ОЛДИ

нига машхур бўлиб кетди. Уни АҚШнинг адабий таҳлилчи маросими трансляциясига диққат билан тикилиб қолдим. Бош совринни қўлга киритган "Ақл ўйинлари" фильми АҚШ фуқароси, миллати ўзбек бўлган Зулфия Назар китоби асосида яратилганини эълон қилишганида нақадар ҳайратландим!

Жон Нэш ролини ижро этганлиги учун "Олтин глобус"нинг махсус совринини қўлга киритган Рассел Кроу ўз сўзида ушбу ажойиб китобни, унда ўзи катта қизиқиш билан ўйнаган образ — гений, фавқулодда истеъдод соҳиби образини яратгани учун энг аввало, Зулфия Назарга миннатдорчилик изҳор қилди.

Фильм билан бирга Зулфия Назар китоби ва табиийки, унинг ижоди, шахсига қизиқиш янгитдан кучайди. Кўпгина нуфузли нашрлар, жумладан, Los Angeles Timesда у билан интервью чоп этилди. Улардан бирида айтишича, Зулфия Назар Жон Нэш ҳақида — Нобел мукофоти тавсия қилинган, 30 йил шизофрения дардидан азоб чеккан математика даҳоси ҳақида илк бор эшитганида, ҳаёлидан шундай фикр ўтган: "Вой, худойим! Бу худди юнон трагедияларига, Шекспир пьесаларига ўхшайди". Аввалига у New York Timesда "Нобель мукофоти соҳибининг йўқотилган йиллари" номли мақола эълон қилди ва мақола кўпчиликда улкан қизиқиш уйғотди. Мақолага акс-садо тарзида ёзилган мактублар уни илҳомлантирди.

Китоб ёзишни бошлашдан олдин З.Назар Жон Нэшни танийдиган 1000 нафар кишидан, шунингдек, унинг ўзи ва хотини Алисиядан интервью олди. Нэш Зулфия Назар унинг ҳаёти ва фаолиятини қоғозга туширишга киришганини эшитганида, унга ишонч билан қаради, китоб босилиб чиққандан сўнг бу ишонч дўстликка айланди.

Унинг китоби бўйича режиссёр Рон Ховард фильм суратга олиши, бош ролни Рассел Кроу ижро этишини З.Назар тўқинлашиб эшитди. Сценарий муаллифи Акива Голдстен асосий эътиборни Нэш ҳаётидаги драматик ҳолатларга қаратди. Фильм ижодкорлари илтимосига кўра, Зулфия уларга кўмаклашди, бироқ, сценарий устидаги ишда иштирок этмади.

Унинг фильмга муносабати — тўла ижобий. Томошабинлар томонидан яхши қабул қилинадиган ва жамоатчиликнинг руҳий бемор кишиларга ҳамдардлик туйғуларини оширадиган гўзал картина яратилган, деб ҳисоблайди у. "Ховард Нэш ҳаётидаги барча муҳим қирралар — даҳолик, ақлдан озишлик, қайта тузалиш, машхурлик ҳамда хотини Алисия ва математик-ҳамкасблар ролини мужассамлаштира олган, — дейди Зулфия Назар. — Кўпчилик фильм ва китоб ўртасида фарқлар бўлади, деб шикоят қилади. Аммо улар бир нарсани эсдан чиқарадилар — фильмда китобда йўқ устунлик бор ва аксинча. Бундай буюк ҳаётлар ҳар томонлама талқин қилиниши мумкин".

З.Назар фикрича, бош рол ижрочиси Рассел Кроу ҳам Нэш

образи учун ҳар томонлама тўғри келган актёр. "Рассел Кроу даҳодан телбага айланар ва яна даҳога қайтар экан, — дейди ёзувчи, — у ушбу ва-зифани қийинлигига қарамасдан бажара оладиган камданкам актёрлардан бири эканлигини англайман".

Зулфия Назар турмушга чиққан, уч нафар фарзанди бор. Қизлари 22 ва 20, ўғли 14 ёшда. Бўш вақтларида оиласи билан театр, музейларга боришни ёқтиради. Отасидан Ўзбекистон ҳақида кўп эшитган, Ватанимиз тарихини яхши билади, ёш, мустакил давлатимизга меҳри чексиз. Немис тилини яхши билади, рус, турк тилларидан хабардор. Ишлари ниҳоятда кўп, вақти камлиги учун ҳозирча Ўзбекистонга кела олмаган. Акаси Эркин билан жуда инок.

Зулфия билан шахсан танишиш ҳозирча насиб этмаган бўлса-да, унинг отаси билан танишдим, уларнинг аҳил оиласини яхши биладиган кишилар билан суҳбатлашдим. Зулфиянинг ўзининг тимсоли шундай гавадаланди — ақлли, жиддий ва жуда очикўнгил аёл. Ўйлайманки, Зулфиянинг ўзини ҳам фавқулодда истеъдод соҳибаси дейишга асос бор. Олима, тажрибали педагог, ажойиб журналист ва ёзувчи Зулфия Назар айни дамда ўзининг XX юзйилликнинг энг машхур 100 иқтисодчиси ҳақидаги китоби ниҳояси устида ишламоқда.

Саодат ХҲЖАЕВА,
киношунос

Адабиёт дарсларида ўқувчиларга ахлоқ нормаларини сингдириб бориш билан бирга уларда юксак эстетик дид уйғота олиш ҳам биз адабиёт фани ўқитувчиларининг вазифасидир. Эстетик тарбиянинг мақсади, бола онгига ёшлигидан гўзал туйғуларни сингдириш, ота-онасига, Ватанга муҳаббат ҳисларини уйғотишдан иборат. Зеро, мурғак қалбга эзгулик уруғи қанчалик эрта қадалса, унинг келажакдаги самараси шунча тез бўй-бастини кўрсатади. Адабиёт фани орқали ёшларда эстетик гоёларни тарбиялашда кўплаб адабиётимиз даҳолари, улар яратган нодир асарлар қаторида шоир Ҳамид Олимжон

ми уйғоқ. Унинг ўтдай ёнаётган вужудини, безовта тепаётган қалбини осуда тун ҳақидаги, табиатнинг ҳайратомуз гўзалликлари тўғрисидаги тизгинсиз ўйлар галаёнга келтиради. Шоирнинг назарида ҳаёт қайнай бошлайди. Туннинг тинчлигини ҳеч нарса бузмаётир, деб ўйлайсиз. Лекин шоирнинг ўткир назаридан дарёнинг тиним билмай оқиши, ўша оқим туйғули пайдо бўлган қудратли товуш жарларни тўлдириши, ҳаётнинг бетиним шовқини шоир илҳомини жўштиради. У оламнинг, вақтнинг бетўхтовлигини "шағирлайди" деган жуда таъсирчан биргина сўз орқали чиройли ифодалайди. Шағирлашнинг

ушбу ҳолатни "ушлаб олиб" мисраларда абадийлаштириб қўйган. Осмондаги тўлин ойнинг зилол сувга сирдошлигини қандай тушундингиз? Топдингиз, ахир, ой, айниқса, оламни ойдинликка чулғаган тўлин ой, албатта, сой сувида акс этади. Унинг ичига тушади, у билан бирга оқади. Йўл-йўлакай сирлашиб, дардлашиб кетади.

Шеърнинг энг авж нуқтаси сўнги бандида. Энди осмон ва ҳаво ҳам шағирлайди. Бугина эмас, бутун коинот шағирлайди. Чунки лирик қаҳрамоннинг кўтаринки кайфияти уни бутун оламнинг ажралмас бир бўлаги-

Tahlil

БАХШИ ЁДИ

Конимех тумани ўзининг фаройиб табиатига ҳамда тарихига эга бўлиб, кўплаб миллат ва элат вакиллариининг Ватани ҳисобланади. Шу боис одамларининг меҳри-муҳаббати, мардлиги ва садоқати ҳақидаги афсонавий гаплар оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Катта ижодкор, қорақалпоқ халқ бахши шоири Бекмурод Жировнинг авлодлари ҳам истиқдолни Конимех заминидан қарши олиб, озодликнинг нақадар буюк неъмат эканлигига иймон келтирдилар. Ҳозирда бахшининг қизи

ҳамда вилоят Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида амалий ишлар олиб борилаёпти. Шунингдек, вилоятда дostonчи шоирлар танловини ўтказиш бўйича бахши Холдаш Жиров ташаббуси ҳам кенг қулоч ёзмақда. Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси вилоятда Бекмурод Жиров дostonчилик мактабини яратиш устида олиб борилаётган самарали ишларнинг натижаси сирасига кирди.

9 may — Xotira va Qadrlash kuni

Турсуной момо 73 ёшда, ўғли Яхшилик бобо 71 ёшда бўлиб, 10 нафар набираси ва 30 дан ортиқ чеваралари Конимех қўрғонидан яшаб келмоқдалар.

Бекмурод Жиров бахши шоир сифатида 130 дан ортиқ дostonни ёд билиб, уларни ўзбек, қорақалпоқ, қирғиз, қозоқ, тожик, туркман тилларида куйлаган эди.

Айни кунда Бекмурод Жировнинг адабий меросини ўрганиб ва тиклаб, жамоатчиликка етказиш ҳамда бахши шоир таваллудининг 125 йиллигини 2002 йил май ойида нишонлаш мақсадида Навоий вилоят ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими

Ҳозирги кунда ЎзФА Қўлёзмалар институти олимлари томонидан бахши шоирнинг асарларини чоп этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилаётганлиги диққатга сазовордир.

Бекмурод Жировнинг қолдирган мероси ҳамда халқимизнинг миллий қадриятларига қўшган ҳиссаси истиқлол йилларида муносиб тақдирланди. Туман марказида унинг тарихий музейи ташкил этилганлиги бахши шоирга бўлган ҳурмат ва муҳаббатдан дарак беради.

Ўткир Пўлат

ШАҒИРЛАЙДИ БЕТИНИМ ДАРЁ

асарлари ҳам катта аҳамият касб этади. Ўрта мактаб режасида ушбу адабнинг ҳаёти ва ижоди, у яратган асарлар 7—11-синфларда ўқувчиларга таништириб борилади.

Маълумки, Ҳамид Олимжон асарлари ҳар қандай ўқувчи қалбида кучли ҳис-туйғу уйғотиши билан аҳамиятлидир. Масалан, шоирнинг "Ўрик гуллаганда" шеъри ўқувчида эҳтирос уйғотиши билан унинг қалбига бир умрга муҳрланади.

Шунингдек, мактаб дарслигида шоирнинг "Холбуки тун" шеъри ҳам ўтилади. Бу шеърда шоир бадиий воситалардан унумли фойдаланган. Эътиборлиси, Ҳ.Олимжон шеърларида шоир ўзи ҳис қилган туйғуларни, ўзида ўтказган кечинмаларни ўқувчиларга ҳам сингдиришга ҳаракат қилади.

Вақт ярим тундан оған. Атроф жим-жит. Олам уйқуга чўмган. Ёлғиз шоирнинг илҳо-

адоқсизлиги унга уйқу бермайди. Лирик қаҳрамоннинг хаёллари паршон бўлади. У ўйга толади. Оламнинг бетакрор гўзаллигини янада теранроқ ҳис қилади.

Шеърнинг бир жумласида: **Кўзларимда ёнар учқунлар, Зилол сувга ой эди сирдош,**

— деган мўъжизакор тасвирлар бор. Бу ҳолатни фақатгина шоиргина ҳис этиши, фақат шоиргина образли ва аниқ қилиб тасвирлай олиши мумкин. Ўйлаб кўринг-чи, "Кўзларда ёнаётган учқунлар" нима экан. Юлдузли тунда ҳеч дўстингиз билан осмонга тикилганмисиз, кўкдаги саноксиз юлдузларнинг ўртоғингиз қорачида учқунлардай ялтирашини кузатганмисиз? Юлдузларнинг майин жимирлаши сизни ҳам, ҳамроҳингизни ҳам сеҳрли бир ҳолатга солганини, кўзларингиз порлаб кетганини сезганмисиз? Шоир

га айлантиради. У олам ҳодисаларининг кузатувчи эмас, иштирокчидир. Шу боисдан шағирлаш фақатгина дарёнинг овози эмаслигини энди у яхши билди. Дарё — бу борлик. Унда сув эмас, ҳаёт оқиб ётади. Шунинг учун шоир ёзади:

**Шағирлайди бетиним дарё,
Шағирлайди дарёда ҳаёт...
Холбуки тун...**

Хуллас, адабиёт ўқитувчилари ҳар бир дарсда ўқувчилар қалбида кучли ҳис-туйғу уйғота билиши керак. Бу ўринда ҳақиқатан ҳам Ҳ.Олимжон шеърини ўқувчиларда шундай ҳис-туйғу уйғотади. Бу вазифаларни амалга оширгандагина ўқитувчи ўз мақсадига эришади. Уз ўқувчисини ҳар томонлама юксак дидли қилиб тарбиялашдаги яна бир залворли қадамни олдинга ташлайди.

**Дилрабо СУЛТОНОВА,
Оқдарё туманидаги
2-мактабнинг она тили ва
адабиёти фани ўқитувчиси**

ФАЗИЛАТ —
ҒОЛИБ

Ўзбекистон кўшиқ байрамининг Жиззах вилоят босқичи ниҳоясига етди. Бир неча кун давом этган ёш санъаткорларнинг кўрик-танлови кўплаб истеъдодларни кашф этди. Кўшиқ байрамида ўқувчи ёшлар асосан 5 жанр: мақом, хор, академик ижро, фольклор, вокал чолғу йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Кўрик-танлов якунига кўра Бахмал тумани мақом,

Qo'shiq
bayrami

Жиззах тумани хор ва академик ижро, Фаллаорол тумани фольклор жанрида ва Дўстлик тумани вокал чолғу жанрларида ғолибликни кўлга киритдилар.

Барча босқич ва йўналишлар бўйича кўшиқ байрамининг мутлақ ғолиби деб Жиззах туманидаги 38-мактаб ўқувчиси Фазилат Худойназарова топилди. У энди май ойининг бошларида Шахрисабзда ўтадиган "Ўзбекистон — Ватаним меним" кўшиқлар кўрик-танловининг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Шаҳарга қишлоқдан меҳмон бўлиб келган 9-синфда ўқийдиган жияним Шаҳнозадан: "Ўқитувчиларингиз охириги марта қаерга саёҳатга олиб боришди" деб сўрайман. "Ҳеч қаерга" деб жавоб беради ва кўшиб кўяди: "Бир неча йиллардан бери бирор жойга айлангани бормаганмиз. Лекин ҳамма байрамларни нишонлаймиз".

— Қаерда?

— Бирорта ўртоғимизникида.

Сўнгра шаҳар мактабининг 6-синфидан ўқийдиган жияним Моҳирадан ҳам юқоридаги саволга жавоб сўрайман. У эса шу саволни опаси, 8-синф ўқувчиси Хуршидага беради:

— Қаерга боргандик, музейгами?

Кейин тайинли бир жавоб бермайди. Мен эса саёҳатнинг фойдалари, юрт кўрган киши қалбида ўз Ватанига бўлган муҳаб-

ни қониқарли деб баҳолаш мумкинми?

— Ёшларга таълим бериш ва уларни камол топтиришга йўналтирилган муассасалар ишини жонлантириш доимо долзарб масала бўлиб келган. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш ва дам олишларини яхши ташкил этиш мактабдан ташқари таълим муассасаларининг вазифасидир. Вилоятларда фаолият олиб бораётган муассасалар имкониятларидан тўлиқ фойдалана олапти, деб айта олмаймиз. Марказимизнинг 2001-2002 ўқув йили иш режасига кўра Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида иш юритиш қандай аҳволдалиги ўрганиб чиқилди.

Хоразм вилояти Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказида 9 та йўналишда 10 та тўғарак ташкил этилган. 400 нафар

қолиш ва уларни тиклаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда.

— Бола қалбига она юрт меҳрини жойлашда саёҳат алоҳида ўрин тутди. Чунки яшаётган ҳудудидан четга чиққан киши гўзал манзараларни, тарихий обидаларни кўриб, қалбида нимадир ҳис қилади. Назаримда, ўқувчиларни саёҳатларга олиб чиқиш ўтган йилларга нисбатан анча камайгандек.

— Марказ фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ўқувчи-ёшлар ўртасида ўз ҳудудидаги тарихий жойларга ва музейларга, қўшни вилоятларга, вилоятлардан Тошкент шаҳрига саёҳатлар уюштириш. Афсуски, бугунги кунда айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги, қоғозбозликнинг кўпа-

САЁҲАТ ҲАМ ТАРБИЯ

ёхуд Ватан туйғусини шакллантирувчи омил

бат кучайишини, бепоён юрти борлигидан фахрланиш туйғуси юракка инишини уларга тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Уларга гапирману, нега ўқитувчилар ўз ўқувчиларни қадимий шаҳарларимиздаги обидаларни томоша қилишга, бир неча минг йиллик тарих жамланган музейларни кўришга олиб бормайди, деб ўйлайман. Кўпчилик мураббийлар бу ҳолни йўл ҳақи, бориб-келиш харажатлари қийинлиги билан изоҳлашади. Мана шу каби саволларга жавоб топиш ниятида республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказининг услубий бўлим бошлиғи, халқ таълими аълочиси София Фозилова билан суҳбатлашдим.

— София опа, барча вилоятларда ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари фаолият кўрсатади. Бугун уларнинг иши-

ўқувчи-ёшлар ушбу тўғаракларга қамраб олинган. Самарқанд вилояти ЁСҮМда эса 4446 нафар бола дарсдан бўш вақтларида таълим-тарбия оладилар. Биргина "Ёш тоғ сайёҳлари" йўналишидаги тажрибасиносов майдончасига 60 нафардан ортиқ ўқувчилар жалб этилганлар.

Фаолияти ўрганилган ВЕСҮМларда бир қатор ибратли ишлар ҳам амалга оширилган. Хусусан, жорий ўқув йилида "Ўзбекистон кўшиқ байрами", "Сиртки танлов", "Иқтидорли болалар анжумани", "Она Ватанимиз бўйлаб саёҳат" каби тадбирлар намунали ўтказилди. Марказлар қошидаги тўғараклар ўтиладиган мактабларда тарих, табиат, ўлкашунослик музейлари ташкил этилган. Ўқувчиларни музей экспонатлари билан таништириш, миллий меросимизни, урф-одатларимизни сақлаб

йиши натижасида ўқувчилар ўртасида саёҳатлар жуда кам уюштирилаёпти. Кўпчилик иқтисодий қийинчилик билан саёҳатга чиқмаслиқни изоҳламоқчи бўладилар. Бироқ ўқувчи қанча пул тўлаб бўлса-да, саёҳатга боришга, ота-онаси ҳам ўша пулни беришга, ўқитувчи ҳамма масъулиятни ўз бўйнига олиб, саёҳатга олиб боришга рози, фақатгина жойлардаги ҳаракат ҳафсизлиги хизмати ходимлари, туман халқ таълими бўлими масъул кишилари турли баҳона ва сабабларни рўқач қилмоқдалар. Зеро, жойлардаги раҳбарлар, таълим-тарбия ишига масъул бўлган кишилар саёҳат ҳам болага тарбия беришнинг энг самарали усули эканлигини тушуниб етсалар, яхши бўлар эди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Таниқли шоир Мурод Раҳмон ўзбек кўшиқчилик санъатига катта ҳисса қўшиб келаятган серқирра ижодкорлардандир. Шоирнинг 300 дан зиёд шеърлари кўшиққа айланган бўлиб, уларни Ю.Усмонова, Н.Ҳамроқулов, Ф.Ёқубов, Б.Ҳамдамов, Х.Лутфуллаев, М.Тўхтасинов, ака-ука Ваҳобовлар, С.Қозиева, А.Усмонов, С.Азизбоев, А.Дадаев, Р.Комилов, А.Курбоннов, А.Санаев, С.Сафтарова каби машхур хонандалар ижро этишади.

Шоир яқинда бир неча туркумда шеърлар яратди. Ушбу шеърларда янги аср тилаклари, она Ватан манзаралари, гўзал баҳор ва Наврўз шодиёналари, поклик ва имон, дўстлик ва муҳаббат туйғулари тарафдор этилади.

Қуйида шоирнинг янги шеърларидан ўқийсиз.



БИР СЎЗ...

Дунёда бир сўз яшар,
қалбимга азиз, азиз...
Бу сўзда мужассам бахт,
Шодлик ва сурур унда.
У борки, ҳаёт кўркем,
Ширину лазиз, лазиз.
Юракда тугён урар
Ҳам фахру гурур унда.
Ватандир бу, Ватан, Ватан, Ватан!
Болаликдан нафасин
Ҳис этганимдир ўша —
Кудратидан, меҳридан
Кувонганим дафъатан.
Шу сўз билан тепар қалб,
Яшнар замон ҳамиша.
Бу сўз - жону жаҳоним,
Жонажонимдир: Ватан!
Ватандир бу, Ватан, Ватан, Ватан!

**ТОҲ СУКУТДА
ЯШАЙДИ ОДАМ...**

Гоҳ сукутда яшайди одам,
Уйларида туганмас иши.
Хаёлида дунё ташвиши,
Гоҳ сукутда яшайди одам...

Сукутат, бу — сеҳрли олам,
Улғаяди унда муҳаббат.
Яшириндир нафрат ва шафқат,
Сукутат, бу — сеҳрли олам...

Сукутлардан тинглайман кўшиқ...
Киз юзида ифбат ва ҳаё.
Кўзларида сезаман вафо,
Сукутларда тинглайман кўшиқ...

Сукутларда — умид, орзулар...
Баъзан шодлик, гоҳида армон.
Балки иқбол яшайди пинҳон,
Сукутларда — умид, орзулар...

Сукутимда сабот, матонат...
Гул очади кўнгил баҳори.
Нафасларда — севги изҳори,
Сукутимда сабот, матонат...

Сукутат ҳам — бутун бир ҳаёт...
Сўзсиз ҳам қалб меҳр таратар.
Балки Мурод бахтин яратар,
Сукутат ҳам — бутун бир ҳаёт.

ШҲХ ШОДИЁНА...

Бунча гўзал ҳаёт, хуррам замона,
Ҳар дилда завқу шавқ, янғроқ тарона...
Гулгун чехраларда яна табассум,
Давом этар байрам, шўх шодиёна.
Шўх шодиёна, шўх шодиёна...

Гуллар-ла безанган ўлкада баҳор,
Элларга таралар наво бетакрор.
Дилларни яшнатар боғлар чиройи,
Шодликка бурканган олам бахтиёр!
Шўх шодиёна, шўх шодиёна...

Бугун мунча ширин сухану калом,
Куй, кўшиқ, қаҳ-қаҳа авжида мудом...
Давраларда кезар аъло кайфият,
Баҳор, гул байрами этади давом!
Шўх шодиёна, шўх шодиёна...

БОБҲР ЭДИ...

Боғишамол боғларида
Бобур руҳи кезарму?
Дунё меҳрин қозонганин
Шоир ўзи сезарму?

Андижонда зор кетган дил
Юртини кўп соғинмиш...
Анда жоним қолди, дея —
Шу Ватанга сигинмиш...

У жаҳоншоҳ бўлса ҳамки,
Юрт қиёсин топмади.
Халқ меҳри шеър — зиё бўлиб,
Олам юзин қоплади...

Ох, бир тилим қовунигга
Тенг келмади олтин, зар!
Элим, мангу Бобур ила
Фахр этсанг ярашар!

Боғишамол боғларида
Бобур руҳи кезарму?
Ҳар юракдан жой олганин
Шоир ўзи сезарму?..

Тандирда нон ёпилгач, ўчоқда палов пиширилгач, кўпчилик тўпланган пайтда албатта бувим “оташкуракни олиб келинлар, яхшигина чўғ бор, ҳовли-жойга, ҳаммангизга бир исирик солиб қўяй” дердилар. Янги машина ёки сигир-бузоқ олсак ҳам бувим ўша нарсалар уйга келтирилган заҳотиёқ келинларига “ҳой, бўла қолинглар тезроқ, бир исирик тутатишлар” дердилар. Ёқимли, кишига қандайдир хузур бағишловчи ҳидга эга бўлган бу гиёҳни тутатиб, бувим ҳаммамизга бир-бир ҳидлатардилар ва “баланд тоғларнинг гиёҳи, пайғамбарларнинг дуоси, усмон исирик, минг дарда даво исирик” деб чақалоқ ётган бешик, уй атрофларига айлантириб чиқардилар. Биз болалар ўзимизда йўқ хур-

син, ували-жували бўлиб, ўзларидан ти-нишсин. Қўша қариб, орзу-ҳавасларига етишсин” дея ҳокандозда исирик тутатиб келтиришади.

Исирик ҳақида турли ривоятлар, ҳикоятлар мавжуд бўлиб, уни пайғамбарларимиз дуоси туйғули пайдо бўлган дейишади.

Бугунги кун тиббиётида ҳам исирик кўп қўлланилмоқда. Буюк табиб Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” рисолада эса бу гиёҳ ҳақида кўпгина таърифларни ўқиш мумкин.

Жумладан, исирик ўсимлигининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси бод, безгак, тутқаноқ, уйқусизлик, нафас қисими, шамоллаш каби касалликларни даволашда ишлатилади.

ИСИРИК — МИНГ ДАРДАГА ДАВО

санд бўлардик. Уни тўйиб-тўйиб ҳидлаб, биз ҳам пичирлардик “дарларимга даво бўл, ёмон кўздан, инс-жинсдан асра. Бало-қазоларни менга яқин йўлатма”. Ҳавода анча вақтгача ёқимли бир ҳид кезиб юрарди ўшанда.

Қишда акам ёки мен касал бўлиб қолсам, бувим онамга “боринг, бир сиқимгина исирик тутатиб келинг, болалар тумовлабди. Бир мазза қилиб исирик ҳидласа кўрмагандек бўлиб кетади. Кечқурун ҳам бир сиқим исирикни бир банка сувда қайнатиб, оёқларини ванна қилинг. Ёш болага ҳадеб дори ичираверманг, ўзимизнинг шифобаҳи гиёҳимиз турганда, шамоллашдек касалликларни дўхтирларнинг дорилари билан тузатаман, деб уринманг”, дея танбех берардилар.

Бора-бора хушбўй бу гиёҳ миллий қадриятларимизнинг ажралмас бир бўлағи эканлигини англаб етдим. Чақалоқ нуғилса, у тугрўқхонадан уйга олиб келинганча, она-болага исирик тутатишади. Ёмон кўзлардан асрасин, чақалоқ униб-ўссин, соғлом бўлиб вояга етсин, деган ниётда. Уни бешикка белашдан аввал бешикнинг ҳамма нарсалари яна исирикка тугилади. “Бало-қазолар нари бўлсин, чақалоқ тинч ухласин”, деб. Ёки икки ёшнинг висол оқшомида яна кайвони момолар, кўпни кўрган онахонлар “куёв келди, тезроқ исирик тутатиб юборайлик. Болаларимиз бахтли бўлиш-

Шунингдек, унинг қайнатмаси билан оғиз чайқалса, милк шамоллашига ва томоқ оғриғига ҳам фойда беради.

Авалло, исириқдан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан сув қуйилади ва ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан бир чой қошиқ солиб, қайнатилади, сўнг 2 соат тиндирилади. Докадан сузиб олинган қайнатма кунига 3-4 маҳал бир ош қошиқдан ичилади.

Қиш фаслида кўпаядиган грипп, шамоллаш каби касалликлар билан хасталанган кишилар ётган хоналарга исирик тутатилганда, у ҳаводаги микробларни ўлдириб, ўзига хос дезинфекцияловчи восита вазифасини ўтайди.

Исирикнинг яна бир хусусияти шундан иборатки, уни янги уй қурган ёки янги уйга кўчиб ўтган кишилар қайроқтош, қалампир билан биргаликда дарвоза тепасига илиб қўйишади. Бунда ҳам ўша истак “Бало-қазолардан асрасин, ёмонларнинг кўзига чўп бўлиб тушсин, хонадонга, оиламга яхшилик, файз-баракат олиб кирсин”, деган наъят бўлади.

Зеро, доно ва узоқни кўра оладиган, теран фикрли, донишманд халқимиздан асрлар оша мерос бўлиб келаятган исирикни қадрлаш анъанаси бугунги кунимизгача етиб келганлиги, албатта, бежиз эмас.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Ko'ngil bitiklari

Кўнглимни қўйнимдан излаган
гумроҳ,
Кўй уни, сенсиз ҳам
садпора, сиёҳ...
Балки, тошдаги гул,
қордаги гиёҳ
Кўнглим...

Уни самолардан ахтарар ҳилол,
Излаб заминни зир титратар
шамол,
Унга қўл солмоқчи бўлар,
эҳтимол
Синглим...

Айт, менга дағдага
қилмасин ажал,
Жон керакми, олсин турмасдан,
дангал,
Уни тополмайди онамдан аввал
Ҳеч ким...

Ахроржон БОЙЗАЕВ,
Янгиер шаҳри



ЭЪЛОН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ ЎЗ ТАСАРРУФИДАГИ МУАССАСАЛАРГА ЎҚУВ
КОМПЬЮТЕР ТЕХНИКАСИНИ ХАРИД ҚИЛИШ
МАҚСАДИДА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Тендерда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши шарт:

- Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг кафолат хати ёки молиявий имконияти тўғрисидаги маълумотнома;
- Нарх-наво ва қабул қилинган спецификация бўйича маҳсулот етказиб бериш ҳақида тендер таклифлари;
- Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;
- Халқ таълими вазириликнинг 20203000100101044002, Тошкент шаҳар уй-жой қурилиш банки, Меҳнат бўлими, МФО 00423, ИНН 201120808 ҳисоб рақамига бўнақ ўтказилганлиги ҳақида тўлов хатининг нусхаси. (Бўнақ миқдори таклиф этилаётган маҳсулот умумий нархининг 2,5 фоизини ташкил этади).

— Тендерда қатнашиш таклифлари комиссия томонидан 2002 йил 22 апрелдан бошлаб 15 май соат 11 гача, ўрнатилган тартибда фақат иккиланган конвертда муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи конвертда:

* Корхонанинг номи, тўлиқ манзили;

- * Вазирликнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилган бўнақ тўлов хати (платежное поручение);
- * Ташкилотнинг молиявий аҳволи тўғрисида банкнинг кафолат хати ёки молиявий имконияти тўғрисидаги маълумотнома;
- * Бюджетга қарзлари йўқлиги тўғрисида солиқ инспекцияси маълумотномаси;
- * Маҳсулот сертификати ва санитария паспорти;
- * Корхонанинг шу каби лойиҳаларда иштирок этганлиги тўғрисида маълумот (шартномалар нусхаси).

Ички конвертда:

* Таклиф этилган спецификация формаси бўйича тендер таклифлари, жиҳозлар рўйхати ва уларга қўйилган нархлар (спецификациянинг 1-қисмида ҳар бир бандга алоҳида нарх кўрсатилиши шарт, спецификациянинг 2-қисмида ўқув дастур воситаларининг тавсифи ва бошқа керакли маълумотлар) келтирилади.

Тендерга 2001 йил 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабли тендер қатнашувчилари тегишли органлар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

ОММАВИЙЛИК БОРАСИДА АНИҚ ДАЛИЛЛАР

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ўтказиш Низомига мувофиқ, шу кунгача ушбу мусобақаларнинг мактаб, туман (шаҳар), вилоят босқичлари ўз ниҳоясига етказилди ва якуний босқич қатнашчилари аниқланди.

Мактаб босқичида жами 6 млн. 14 минг ўқувчидан 5 млн. 300 минг нафар 1-4, 5-7 ҳамда 8-11-синф ўқувчилари қатнашди. Мусобақаларда иштирок этган ўқувчиларнинг бу кўрсаткичи 88,3 фоизни ташкил этади.

Туман (шаҳар) босқичида иштирок этган 211 та жамоанинг 4010 нафар бошланғич синф ўқувчиси туман голиби бўлишди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, бу мусобақаларда 1-4-синф ўқувчилардан жами

846.124 нафар ўқувчилар иштирок этишди.

Вилоят босқичида 211 та жамоанинг 5837 нафар ўқувчиси спортнинг 11 тури бўйича вилоят голиби бўлишди. Ушбу мусобақаларда 5-7-синф ўқувчиларидан жами 1.231.630 нафар ўқувчилар иштирок этишди.

Вилоят босқичи мусобақаларининг 8-11-синф ўқувчиларидан иборат голиб жамоаларини шакллантиришга қаратилган ўйинлар 21—31 март кунлари (баҳорги таътил даври)да якунланди. Унда 211 жамоанинг 4564 нафар ўқувчиси вилоят голиби бўлишди. Ушбу мусобақаларда 8-11-синф ўқувчилардан жами 963.110 нафар ўқувчилар иштирок этишди.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар жамоалари вакиллари — 1918 нафар спортчилари спортнинг 11 та тури бўйича голиблик учун кураш олиб боришди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, I.II.III босқич спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида 347 та спорт заллари ҳамда 566 та спорт майдонлари қайта таъмирланди.


Голибларни рағбатлантириш ҳамда уларга спорт формалари олиб бериш ва спорт иншоотларини таъмирлаш учун 100 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Спорт мусобақаларининг шах-

сий ва жамоа таркибидаги голибларига топшириладиган. I.II.III даражасида 600 та махсус диплом, шунингдек 200 та олтин, 200 та кумуш, 200 та бронза медаллари тайёрлаб кўйилди.

Мамлакат финал мусобақаларида ҳар бир вилоятдан 137 нафардан жами 1918 нафар спортчи, 16 тадан мураббий ва ҳакамлар, жами 2366 киши иштирок этишди. Шунингдек, давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси томонидан тасдиқланган 40 нафар бош ҳакамлар ҳайъати, 20 нафар футбол бўйича ҳакамлар, 60 нафар расмий масъул ходимлар, 80 нафар журналистларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

"УМИД НИҲОЛЛАРИ" КРОССВОРДИ

БЎЙИГА: 1. Спорт тури. 2. Нерв. 3. Май, гулоб. 4. Амал қилиниши шарт бўлган тартиб-қоида. 5. Африка давлати. 6. Фаластиннинг Исроил қўшинлари эгаллаган шаҳри. 7. "Умид ниҳоллари"нинг волейбол бўйича мусобақалари ўтказиладиган шаҳар. 8. Ҳақиқатан, асл. 9. Испания футбол жамоаси. 10. Спортнинг 7 тури бўйича мусобақалар ўтказиладиган Фарғона шаҳридаги туман. 11. ...Рискиев (боксчи). 12. ... Григорьян (боксчи). 13. Кимёвий элемент. 14. Франциядаги футбол жамоаси. 15. "Умид ниҳоллари"да мусобақалар ўтказиладиган спорт тури. 19. Пахса лой. 25. Каттиқ тоғ жинси. 26. Амударёнинг қадимги номи. 28. Япониядаги шаҳар. 29. Катта йўл, шоссе. 30. "Умид ниҳоллари"да мусобақалар ўтказиладиган спорт тури. 31. Тезда, жадал. 33. Бобурнинг ўғилларидан бири. 35. Мусобақа машъаласи олиб ўтиладиган довон. 39. Деярли барча спорт турларини қамраб олувчи спорт мусобақаси. 40. Бадиий асарларда кўп учрайдиган одил шоҳ. 44. Мусобақа ўтказиладиган спорт тури. 45. Қадимда Шарқда яшаган ва ўз давлатларига асос солган миллат. 46. Мусобақада совринга кўйилган автомобиль. 47. Теварак, тегра. 50. Ҳозирги овози. 52. Миллат. 56. Испания футбол жамоаси. 58. Ёзилиши бир хил, аммо маъноси ҳар хил сўзлар. 60. Россиядаги вилоят. 62. Ўт, гулхан. 64. Журнал, жа-



рида. 66. ...Абдураимов (футболчи). 67. Ёзувчи аёл. 69. Зот, насаб. 71. Миср фиръавни. 73. Қарғиш, дуоибад. 74. Ҳиндистоннинг лўлилар яшайдиган вилояти. 75. Аксадо. 76. Осмон билан барабар (халқ тилида). 78. Худуднинг бошқарув нуқтаси. 80. Чой қайнатиш анжومي. 81. Фуломжон Ёкубов кўшиғи. 87. Туркия автомобили. 88. Фарзлардан бири. 89. Миллат. 90. Мато тури. 91. Сурат чизиш учун ишлатиладиган бўёқ тури. 92. Чайла. 95. Африкадаги араб давлати. 96. Си-

ник, ёриқ. 99. Оға.
ЭНИГА: 1. Франц ... (африкалик боксчи). 3. Харажат. 6. Пьеса бошида бериладиган чизгилар. 10. Бурчак. 13. Намозга чакирув. 15. Сурхондарёдаги кўмир кони. 16. Куёш тутилиш ҳақидаги назарияни кашф этган олим. 17. Тошкент вилоятидаги канал. 18. Мусобақалар ўтказиладиган спорт тури. 20. Автомобиль русуми. 21. Ўзга сайёралардаги ҳаётни ўрганувчи фан ...логия деб аталади. 22. Карнай садоси. 23. Ҳиндистондаги шаҳар. 24. "Умид ниҳолла-

рай хонлик. 48. Ҳинду қабила-ларидан бири. 49. Соғ танда — ... ақл (мақол). 51. Зирак, балдоқ. 53. Жуфтнинг акси. 54. Жамоа хўжалик раҳбари. 55. Ёлғон, ҳийла. 56. Мотам. 57. Мода. 59. АҚШ штати. 61. Россиядаги дарё. 63. Мақсадни англатувчи сўзлар. 65. Бирор нарса учун ишлатилган пул. 67. Қоидалар жамланмаси. 68. Ем-хашак. 70. Аргентиналик футболчи. 72. Ўткир Хошимовнинг "Баҳор қайтмайди" асари қаҳрамони. 77. Кавказдаги миллат. 79. Қадимги мисрликларнинг яшиллик ва тириклик худоси. 81. Мусобақа голибларига медаллардан ташқари яна нима берилди? 82. Африка чўлларида эсадиган шамол. 83. Жавобгар шахс. 84. Африка давлати. 85. Қон томири. 86. Араб давлатларидан бирининг пойтахти. 89. Урф, аъна. 91. Миллат. 93. Таёқ, ҳасса. 94. "Стандарт ... корпорейшн" (АҚШнинг аср бошида энг машҳур бўлган трестларидан бири). 95. Жасур, кўркмас. 97. Машҳур ҳинд кинофильми. 98. "Умид ниҳоллари"нинг машъаласини яратиш ва Фарғонагача эстафета тарзида олиб боришни ўз зиммасига олган ташкилот. 100. Европа зодагонлари унвони. 101. Чўлда ўсадиган ўсимлик. 102. Текширувчи, назоратчи. 103. Бакалаврдан кейинги даража. 104. Қирғиз халқ эпоси. 105. Бирор нарсанинг тимсол белгиси.

Мадамин БОЙМАТОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таърих ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукр ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-330.
Тиражи 28090 г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Курбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Навбатчи:
Даврон ТОЖИЛИЕВ.

"Ma'rifat"даги материалларни кўчириб босиш таърият руҳати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари "Ma'rifat Madadkor" нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Тошйилди — 20.00